

Da'vat

Inson o'z kuchiga ishongan joydagina biror narsaga erisha oladi.

Lyudovig FEYERBAX

Kuch – bilim va tafakkurda



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan

2004-yil 13-oktabr, chorshanba

№ 83 (7692)

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

FARMON

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Transport va transport kommunikatsiyalari uyushmasini tashkil etish to'g'risida" gi Farmoni e'lon qilindi.

TABRIK

Qashqadaryo viloyati paxtakorlari mamlakatimizda birinchi bo'lib davlatga paxta sotish shartnoma majburiyatini bajargani munosabati bilan Yurtboshimiz viloyat dehqonlari nomiga samimiy tabrik xatini yo'lladi.

UCHRASHUV

Pokiston va Afg'oniston safaridan qaytayotgan Germaniya federal kansleri Gerxard Shryoder 11 oktabr kuni Termizda to'xtab o'tdi. Shahar aeroportida oliy martabali mehmonni O'zbekiston Respublikasi Bosh vaziri Shavkat Mirziyoyev kutib oldi. Suhbat chog'ida mamlakatlarimiz o'rtasidagi hamkorlikni kengaytirishga, terrorizm va narkobiznesga qarshi kurashishga oid masalalar yuzasidan fikr almashildi.

(Davomi 2-betda)



Мактабга ilk кадам қўйган болаларни мактаб сир-асрорлари билан таништириш, уларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида муомала қилиш бошланғич синф ўқитувчисидан катта меҳнат талаб этади. Шунингдек, ўқувчиларни миллий истиклол ғояси руҳида тарбиялашда ҳам биринчи ўқитувчининг ўрни алоҳида. Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 27-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Манзура Курбонбоева юқоридаги талабларни ўзида мужассам этган фаол ўқитувчилардан. У бир неча йиллардан бери ёш авлодга сабоқ бериб келмоқда.

Суратда: муаллима ўқувчилар билан навбатдаги дарсда.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Ibrat

Shirin shahri chek-kasidagi tashlandiq ahvolda yotgan hududda bolajonlar uchun zamonaviy sport majmuasi qad rostladi. Hashar yo'li bilan bunyod etilgan mazkur maskanning qurilishida bir qator tashkilotlar va homiylar yordami katta bo'ldi.

GAZETANI VARAKLAGANDA:

САЙЛОВ СИЙЛОВ
ЭМАС!

3-бет

НАЗОРAT СИФАТГА
ТАЪСИР ҚИЛАДИМИ?

4-бет

НОЛНИНГ
БЎЛИНМАСИ НЕГА
О БЎЛАДИ?

5-бет

ТЕСТ СИНОВИ ВА
ВАҚТ МУАММОСИ

5-бет

«ОНА ТИЛИМ —
ҚАЛБИМ ҚУЁШИ»

8-9-бетлар

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ:
у мактабдан қайси жиҳатлари
билан фарқланади?

11-бет

ХАЙР,
ЎҚИШ ПУЛИ

13-бет

ЕВРООСИЁ
венгерча кроссворди

16-бет

SO'NGGI
UCH KUN
MUJDALARI

(Davomi. Boshi 1-betda)

HUJJAT
IMZOLANDI

Tashqi ishlar vazirligida O'zbekiston Respublikasi bilan Bolgariya Respublikasi o'rtasida jinoiy ishlar bo'yicha huquqiy yordam ko'rsatish, fuqarolik ishlari bo'yicha huquqiy yordam ko'rsatish hamda ekstraditsiya to'g'risidagi shartnomalarning ratifikatsiya yorliqlarini almashish to'g'risidagi protokollarni imzolash marosimi bo'ldi. Ushbu shartnomalar Prezident Islom Karimovning 2003 yil 24—26 noyabr kunlari Bolgariya Respublikasiga davlat tashrifi chog'ida imzolangan edi. Ta'kidlash kerakki, mamlakatimiz rahbarining mazkur tashrifi o'zaro hamkorlikning ustuvor yo'nalishlarini belgilab olish, iqtisodiy-ijtimoiy islohotlar bo'yicha tajriba almashish, o'zaro munosabatlarning huquqiy asosini kengaytirish, savdo-iqtisodiy aloqalarda to'siq bo'layotgan muammolarni bartaraf etish borasida muhim ahamiyat kasb etdi.

Hujjatlarga O'zbekiston tashqi ishlar vaziri Sodiq Safoev va Stoyan Gorchivkin imzo chekdi.

TENNIS
BAYRAMI

Poytaxtimizda «Toshkent open» an'anaviy ayollar xalqaro tennis musobaqasi boshlandi. «Toshkent open» turnirining tantanali ochilish marosimida O'zbekiston Madaniyat va sport ishlari vaziri A.Azizxo'jaev, O'zbekiston Milliy Olimpiya qo'mitasi prezidenti R.Qurbonov ishtirok etdi.

ANJUMAN

O'zbekiston Fanlar akademiyasi Seysmologiya ilmiy tadqiqot institutida seysmik xavf-xatarni baholash va zilzilani oldindan aytib berishda ilm-fan erishayotgan yutuqlarning ahamiyatiga bag'ishlangan xalqaro anjuman bo'lib o'tdi. Unda AQSh, Fransiya, Rossiya, Ukraina va Markaziy Osiyo mamlakatlari olimlari, tegishli davlat, jamoat, xalqaro tashkilotlar vakillari ishtirok etdi.

Дарҳақиқат, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш ишлари бугунги кунда соҳа ходимлари олдида турган энг долзарб масалалардан биридир. Зеро, мактабларнинг 9-синфларини тугатаётган ўқувчиларни узлуксиз таълим тизимининг кейинги босқичи бўлган ўрта махсус, касб-хунарга таълими муассасаларига йўналтириш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунарга таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 473-сонли қарори бўйича мамлакатимизда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шундай бўлса ҳам, бугунги кун талаби жойларда таълим мутасаддилари ва соҳа ходимлари олдида бу борада бажари-

ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА
ЙЎНАЛТИРИШ
фаолият мазмуни
такомиллаштирилиши лозим

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис Республика Маркази мажлисла заллида «Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини касб-хунарга йўналтиришнинг мазмунини такомиллаштириш» мавзусида ўз ишини бошлаган икки кунлик илмий-амалий семинарда ана шундай хулосага келинди.

лиши лозим бўлган вазифаларнинг кўп эканлигини кўрсатмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги Тошкент шаҳри ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари тасарруфидаги ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказлари мутахассислари иштирокида ўтказилган мазкур тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Туробжон Жўраев мамлакатимизда ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш хизмати олдида турган долзарб вазифалар хусусида сўз юритди. Хусусан, жойларда бу борадаги ишлар талаб даражасида бажарилмай қолганлиги, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларининг суст олиб борилганлиги сабаб 9-синф битирувчиларининг муайян қисми таълимнинг кейинги тури ва босқичига ўз вақтида жалб этилмай қолганлиги танқид қилинди. Сўнгги бир

ой ичида республика Халқ таълими вазирлиги ва ЎМКХТ Маркази, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари мутасаддилари, жойлардаги ташхис марказлари ходимлари, мактаблар ва ЎМКХТ муассасалари ўқитувчилари ҳамда маҳалла фаоллари томонидан амалга оширилган саъй-ҳаракатлар туфайли умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфини битирган ёшларнинг академик лицей ва касб-хунарга коллежларига жалб қилиниши 98,6 фоизга бажарилди. Аммо, бу кўрсаткич билан чекланиб бўлмайди. Шу боисдан ҳам кейинги йилда бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун саъй-ҳаракатларни мақсадли турда ҳозирданок бошлаш зарурлиги соҳа мутахассисларига бот-бот уқтириб ўтилди.

Tadbir

Ишчанлик руҳида ўтган мазкур тадбирда Республика ташхис Маркази раҳбари Ҳикматилла Рашидов касб-хунарга йўналтириш ишларини стандартлаштириш тўғрисида ахборот берди. Тошкент давлат аграр университети педагогика ва психология кафедраси мудири Камол Мамедов эса психологик-педагогик ташхис, сўнгги пайтда бу борада яратилаётган тест топшириқлари ва саволномалар хусусидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

Республика миқёсида ўтказилган ушбу илмий-амалий семинар кунининг иккинчи ярмида давра суҳбатлари билан якуланиди. Бугун мамлакатимиз ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис тизими ходимлари семинар ишини амалий машғулотлар ва тренинглар шаклида давом эттиришади.

Нурлан УСМОНОВ,
«Ma'rifat»нинг махсус мухбири

СИЗ ҲАМ
ИНТИЛИНГ!

Сентябрь — кузакнинг илк оyi. Бу маҳал юртимизда айни тўкинчилик пайти саналади. Фарқ пишган мева-сабзавотлар йиғиб олинадиган палларларда «Ma'rifat» танлови масъуллари ҳам сентябрь ойида эълон қилинган материалларнинг «мағзи тўқ» дейишга лойиқларини саралашди. Марҳамат, улар билан Сиз ҳам танишинг:

«Энг яхши мақола» номинацияси бўйича «Дўмбиралар чертилганда доирани қўмсар дил», «Биз эҳтиёжлар қурбонимизми?», «Самарқанд — Шарқ гавҳари» мақолаларидан кўп овоз билан «Қахрамон муаллиманинг эътиқоди» (Ф.Тангриберганова, 29 сентябрь) мақоласи ғолиб бўлди.

«Ma'rifat» tanlovi

«Энг яхши саҳифа» номига газетанинг 7 сентябрь сониди эълон қилинган «Спорт ва ёшлик байрами» саҳифалари (Самарқандда ўтказилган «Универсиада—2004» мусобақалари жараёни тўғрисидаги мақолалар ва лавҳалар, муаллифлар — Н.Усмонов, Ш.Нишонов, М.Аҳмедов) сазовор бўлди.

«Энг яхши интервью» дея «Оталар сўзи»нинг мақсади битта, бу — тарбия», «Ўғлим зўр шахматчи бўлишини билардим» каби суҳбатларни ортада қолдирган «Тарбияда мактаб ва оиланинг ўрни алоҳида» (Н.Тошпўлатова, 18 сентябрь) сарлавҳали интервью топилди.

Бир нечта номзодлар орасидан танлаб олинган ЎЗА мухбири Н.Душаевнинг «75 та бўлди» сарлавҳали хабари (1 сентябрь) «Энг яхши янгилик» дея эътироф этилди.

«Энг яхши фотосурат» номинацияси бўйича энг кўп овозга Б.Ризоқуловнинг 1 сентябрь сониди берилган 8—9-бетлардаги суратлари эга бўлди.

«Талаба-журналистнинг энг яхши публицистик асари» номинациясида «Шунчаки» — мағлубият дегани», «Кўзимиз ўнгидаги иллат» мақолаларидан, кўпроқ овоз олган «Кимга ишониш керак, сотувчигами ёки тарозига?» (Н.Абдуғафорова (ЎзДЖТУ), 7 сентябрь) сарлавҳали мақола ғолиб бўлди.

«Ma'rifat» танлови давом этмоқда. Сиз ҳам ғолибларни қутланг, ёзинг ва ғолиб бўлинг. Бунинг учун имконият бор!



Урганч шаҳридаги ўқувчилар саройида фаолият олиб бораётган турли тўғаракларда ўқувчилар дарсдан кейинги бўш вақтларини мазмунли ўтказмоқдалар. Бунинг учун эса масканда барча қулайликлар мавжуд. Тўғарак раҳбарлари Илмира Курбонова (тикиш-бичиш) ва Қадамбой Нурматов (рассомчилик) тўғарак қатнашчиларига маҳорат билан касб-хунарга ўргатмоқдалар.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар.

МУАММО, САЙЛОВГА ТАЙЁРМИСИЗ?

ОҚТЕПАДАН ОРОЛГАЧА

120 та сайлов округи ташкил қилинди

Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиладиган 120 та ҳудудий сайлов округлари ташкил қилинди. Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳар бир сайлов округига сайловчилар меъёри ўртача 119,6 минг қилиб белгиланган.

Сайлов округлари рўйхати, аънаана кўра, Тошкент шаҳрида бошланди. Ундан сўнг эса алфавит бўйича вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги сайлов

округлари келтирилган сайлов округлари номлари ва тартиб рақамлари, чегаралари ва сайловчилар сони кўрсатилган ҳолда матбуотда эълон қилинди. Унга кўра, Тошкент шаҳрида - 11 та, Андижон вилоятида - 11 та, Бухоро вилоятида - 7 та, Жиззах вилоятида - 4 та, Навоий вилоятида - 4 та, Наманган вилоятида - 9 та, Самарқанд вилоятида - 13 та, Сирдарё вилоятида - 3 та, Сурхондарё вилоятида - 8 та, Тошкент вилоятида 12 та, Фарғона вилоятида - 14 та, Хоразм вилоятида 7 та, Қашқадарё вилоятида - 10 та, Қорақалпоғистон Республикасида - 7 та сайлов округи ташкил қилинди.

Saylov savodxonligi

САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ

— Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун сайлов округлари қандай тузилади?

— Тузилажак ҳар бир сайлов округидан битта депутат сайланади. Сайлов округлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади. Сайлов округларининг чегаралари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маъмурий-ҳудудий тузилишини инобатга олган ҳолда белгиланади. Сайлов округлари, қоида тариқасида, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида сайловчилар сони тенг ҳолда тузилади. Ҳар бир сайлов учун сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади. Марказий сайлов комиссияси сайлов округлари рўйхатини уларнинг чегаралари ва сайловчилар сонини кўрсатган ҳолда сайловга камида етмиш беш кун қолганида эълон қилади.

20 ДАН 3000 НАФАРГАЧА

— Сайлов участкалари тузиш тартиби ва нормаси қандай?

— Сайлов участкалари туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда, сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида тузилади. Сайлов участкаларининг чегаралари тегишли сайлов округи доирасидан чиқиб кетмаслиги керак. Сайлов участкалари туман, шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан сайловга камида олти кун қолганида тузилади. Ҳарбий қисмларда сайлов участкалари қисмлар ёки ҳарбий қўшilmалар командирларининг тақдимномаси билан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади ва қисм жойлашган ердаги сайлов округига киради. Сайлов участкалари, қоида тариқасида, камида йигирма нафар ва кўпи билан уч минг нафар сайловчидан иборат этиб тузилади. Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссиясининг ва овоз бериш биносининг жойлашган ерини кўрсатган ҳолда ҳар бир сайлов участкасининг чегаралари тўғрисида сайловчиларни хабардор қилиши ташкил қилади.

САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ ҚАЕРЛАРДА ТУЗИЛАДИ

— Санаторийлар, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида даволанаётганлар учун ҳам қулайликлар яратиладилми?

— Албатта. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурда, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда сайлов участкалари тузилиши мумкин. Бу сайлов участкалари ўзлари жойлашган ердаги сайлов округларига киради. Ўзбекистондан ташқарида жойлашган сайлов участкаларини қайси сайлов округига бириктириш тўғрисидаги масала Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳал этилади.

САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ТИЗИМИ

— Сайловни ташкил этувчи ва ўтказувчи комиссиялар тизими қандай?

— Қонунчилик палатасига сайлов қўйидагилар томонидан ташкил этилади ва ўтказилади:
— Марказий сайлов комиссияси;
— округ сайлов комиссиялари;
— участка сайлов комиссиялари.

Сайлов қонунчилиги ҳужжатлари асосида тайёрланди.

Турлича фикрлаш табиий-ижтимоий ҳодиса бўлгани учун ҳам барча демократик жамиятларда фикр эркинлиги конституцион ҳуқуқ сифатида эътироф этилади. Лекин фикрлаш билан тўғри фикрлашнинг фарқи бор. Тўғри фикр нафақат фикрловчи, балки жамият учун ҳам фойдали бўлиб, маънавий асосга эгалиги билан аҳамиятлидир. Нотўғри фикр асосида моддий бирламчи бўлиб, табиатан сермулоҳаза бўлмаган киши-

шилади? — САЙЛОВ орқали!

Ҳа, ижтимоий-сиёсий сусткашлиги натижа-сида моддий етишмовчилик, маънавий муаммолар исканжасига тушиб қолган норози кайфиятдаги киши бу вазиятдан чиқиш учун ўзида куч, имкон топа олмай қолади. Оқибатда, нотўғри фикрлай бошлайди. Табиийки, бу на унинг ўзига ва на унга дахлдор бўлган бошқа инсонларга наф келтиради. Фараз

таклари номзод томонидан қай даражада эътиборга олингани билан ҳам қизиқш керак. Қолаверса, номзоднинг дастурида акс этган масалаларда фуқаролар, миллатлар, жамият манфаатлари устуворлиги таъминланганини ҳам ҳисобга олиш жоиз. Шу йўл билан сайлов жараёнининг юксак савияда ўтишига, муносиб номзодлар сайланишига, келгусида ҳар бир соҳада мукаммал ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишига,

САЙЛОВ СИЙЛОВ ЭМАС!

ларга тез, осон таъсир этади ва ўзига эргаширади. Кўча-кўйда, бозорларда ёки айрим жамоат жойларида кишиларнинг ўзаро суҳбатларига беихтиёр қулоқ тутиб, кундалик ҳаётимиздаги ижтимоий муаммолар, уларнинг сабаблари хусусидаги фикр-мулоҳазаларни эшитиб қоламиз. Масалан, ўз турмуш тарзидан, яшаш шароитидан нолиб, бунинг ижтимоий, иқтисодий ва ниҳоят сиёсий сабаблари бора-сидаги фикрларини “жўяли” мисоллар билан “асослаб” гапирётган, бошқача айтганда, ҳасратидан тутун чиқаётган одамларни учратмаган киши бўлмаса керак. Ва афсуски, бундай фикр-мулоҳазалар кўп ҳолларда атрофдагилар томонидан маъқулланади. “Бунинг нимаси ёмон, ахир нотўғри фикрлар мавжудлиги учун ҳам тўғри фикрлар пайдо бўлиб, уларга қарши курашадик” дея таскин топиб кетаверишимиз ҳам мумкин эди. Аммо, энди бундай қилолмаймиз. Чунки, нотўғри фикрга қарши ўз вақтида, изчил ва режаласиз асосда қарши курашмасликнинг салбий оқибатларини бугун ҳар бир миллат, халқлар ва давлатлар бошидан кечириб турибди. Хўш, нотўғри фикрга қарши курашишнинг энг мақбул йўли нимада? Албатта, нотўғри фикр пайдо бўлишининг олдини олишда. Бунга қандай эри-

қилайлик, ўша киши савдогарлик касбини тутган, вақтида ҳеч бир муаммосиз умргузаронлик қилган, кейинчалик эса, ишлари юришмай қолиб, иқтисодиёт соҳасидаги ислохотлар моҳиятини чуқур англамагани, ўз ишини бошқара олмай қолгани сабабли, ҳатто инқирозга учради. Бозор муносабатлари ва савдо соҳасини ташкил этишга доир тартиб-қоидалару талабларга чап беришни афзал билиб, адашди. Агар у ўз камчилигини вақтида тан олса, ижтимоий фаоллик инсонга чексиз имкониятлар беришини тушуниб етса, жамиятимиз ҳаётидаги энг муҳим сиёсий воқеа—сайловлар уни бу вазиятдан қутқариши мумкин. Бу жуда оддий кечади. Парламентга бўлиб ўтадиган эртанги сайловларда фаол бўлиши, муносиб номзодни танлаб уни қўллаб-қувватлаши керак. Токи ўша номзод орқали унинг орзулари, интилишлари, хоҳиш-истаги қонунларда акс этиб, рўёбга чиқсин. Бунинг учун аввало, номзодларнинг сайловолди дастури, унинг мазмун-моҳияти, ижтимоий муаммоларни нечоғли қамраб олгани ва уларнинг ечимига доир таклифларининг амалийлигини ақл чиғиридан ўтказиш лозим. Шунингдек, унинг хоҳиш-ис-

ижтимоий ҳаётда фаровонликка эришишга муносиб ҳисса қўшиш мумкин.

Юксак даражада тараққий этаётган, ҳар қандай муаммонинг ижтимоий илдиэларини, табиий ва экологик сабабларини, иқтисодий ва сиёсий жиҳатларини таҳлил қилишга қодир бўлиб бораётган жамият аъзоларининг депутатликка талаблари ҳам шунга яраша бўлиши табиий. Эндиликда фуқароларни моддий манфаатдорлик ёки турмуш даражасини кўтариш вадаси билан чалғитиш мушкул. Кўчасининг асфальтла-ниши, хонадонининг газла-шиши, қишлоғининг ичим-лик суви билан таъминла-ниши XXI аср сайловчилари қаноатлантирмайди. Бугунги сайловчи жамиятнинг орзу-умидлари, инти-лишлари фуқаролик жамия-тининг ўзига хос хусусия-ти бўлган қонунлар орқали рўёбга чиқишини яхши ан-глайди. Шу боис номзод ижтимоий тараққиётга хиз-мат қиладиган, кенг қамров-ли стратегик дастурга эга бўлиши ва уни рўёбга чи-қаришда ўз партияси, сай-ловчилари кучига таяниши талаб этилади. Зеро, сай-лов халқпарвар номзодлар-ни четда қолдириб, кимлар-гадир қўшимча ваколат бе-ришни кўзловчи, шунчаки сийлов эмас.

Фахриддин КАРИМОВ

ТАРҒИБОТЧИ ТАЛАБАЛАР

Ўзбекистон Миллий университети маданият саройида 26-декабрда бўлиб ўтадиган сайловга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда университет ректори, академик Т.Долимов, проректор Р.Муртазаева, ҳуқуқшунослик кафедраси мудири Ш.Жалилов ва университетнинг журналистика, ҳуқуқшунослик, ижтимоий-сиёсий фанлар факультети талабалари қатнашди. Дастлаб сўзга чиққанлар йиғилганларга республикамизда икки палатали парламент шаклланаётгани, шу муносабат билан қонунларга бир қанча ўзгартиришлар киритилганлиги ҳақида гапирди. Сайловолди кампаниясида маҳаллалар аҳолисига сайлов ва Қо-

нунчилик палатаси ҳақида тўлалигича маълумот бериш ишида талабалар иштирокини таъминлаш йиғилишда айтиб ўтилди. Талабалар маҳалла аҳолисининг ҳамма саволларига тўлиқ жавоб бера олишлари учун сайловга қадар уларга мўлжалланган тайёрлов курслари ташкил этиладиган бўлди. Талабалар махсус иш режалари асосида маҳаллаларда тушунтириш ишларини олиб боришади. Ёшлар сайловолди кампаниясида Собир Раҳимов туманидаги ҳар бир маҳаллада иш олиб борадилар.

Зевара АҲМЕДОВА,
ЎЗМУ талабаси

«БУЮКЛИГИМИЗГА ШУБҲА ҚИЛСАНГИЗ БИЗ ҚУРГАН ИМОРАТЛАРГА БОҚИНГ»

Хоразм вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ўқувчилар қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш юзасидан республика миқёсидаги назарий-амалий семинар ўтказилди. Унда мамлакатимиз вилоятларидан мазкур соҳа мутасадди педагоглари иштирок этишди. Семинарда Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти режасига асосан вилоятларда таниқли бўлган профессор-ўқитувчиларнинг миллий истиқлол ғояси, мафкура-си, уни ёшлар онгига сингдириш борасида амалга оширилаётган

ишлар ва тўпланган тажрибалар хусусидаги маърузалари тингланди. Айниқса, Урганч давлат университети профессори, тарих фанлари номзоди Абдулла Сотлиқовнинг ўзбек давлатчилиги, Хоразм тарихи ҳақидаги маърузаси барча тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

Анжуман дастуридаги амалий машғулотларда умумий ўрта таълим муассасаларида "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" ўқув дастурини кузатиш, мазкур фан ўқитувчиларига кўрсатилаётган методик ёрдам билан танишиш, миллий кадрларимиз ҳисобланган ёдгорлик мажмуаларини зиёрат қилиш тадбирлари амалга оширилди. Дастлаб Урганч шаҳридаги 1-мактаб ўқитувчиси Олтиной Раҳимовнинг 9-синфдаги "Миллатлараро тотувлик" мавзусидаги дарси кузатилди. Интерфаол усулда ўтилган бу дарс барчага манзур бўлди.

Ўзaro тажриба алмашиш мақсадида вилоятлардан келган вакиллар жойларда тўпланган илғор тажрибалар хусусида фикрлашиб олдилар. Сирдарёлик О.Бегиев, андижонлик М.Мўминов, қашқадарёлик Т.Замонов Хоразм вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтидаги курсларда билим олаётган тингловчиларга мафкуравий иммунитет, терроризм ҳамда ривожланган фуқаролик жамиятини шакллантириш муаммолари мавзуларида очик машғулот ўтказиб бердилар.

Анжуман иштирокчилари Гурлан туманидаги 5-мактабга ҳам боришди. У ерда Ўзбекистон Қаҳрамони Анор Маҳмудовнинг директорлик фаолияти даврида ўқувчилар қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш юзасидан ўтказган иш тажрибалари ўрганилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирини Туробжон Жўраев, Гурлан туман ҳокими Искандар Қаландаров, Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Пўлат Ўрозов, туман ХТБ мудирини Маҳмуд Абдуллаев мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим ислохотлари, Умуммиллий дастурни амалга оширишдаги вазифалар ҳақида гапирдилар.

Кўшкўпир тумани "Мустақиллик" кўчаси, 1-тор кўча, 6-уйда истиқомат қилувчи Раҳмон Машарипов хонадонидан ташкил қилинган "Тожмаҳал" уй-музеини барчани ҳайратда қолдирди. Р.Машарипов ўз қўл кучи билан Хоразм диёри тарихига оид, ушбу кўҳна замин меҳнаткаш кишилари, зиёлилари, тарихий шахслари, эл-юрт учун фидойи инсонларнинг ҳаёт йўллари ҳақида бой тарихий маълумот йиғиб олган. Раҳмон оға улар ҳақида тўлқинлиб гапирар экан, музейга келувчилар миннатдорчилик туйғу-лари билан қайтаётганини айтди. Вилоятлардан келган вакиллар бу ташаббусни маъқуллаб, бундай қадамжолар барча шаҳар ва қишлоқларда бўлиши кераклигини таъкид-лади.

Семинарнинг охириги куни Жалолиддин Мангуберди, "Авесто", Беруний, Хоразмий ёдгорлик мажмуалари ҳамда Хива шаҳрига саёҳат уюштирилди. Иштирокчилар миллий кадрларимиз мангу ва бардавом эканлигига яна бир бор гувоҳ бўлишди. Уларни кузатар экан, анжуман қатнашчилари кўҳна ва мустақиллик йилларида қурилган ёдгорлик мажмуалари кишиларни миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялашга катта хизмат қилаётганига амин бўлдилар.

Муҳаммадкарим МЎМИНОВ,
Андижон вилоят ПҚТМОИ кафедра
мудирини,
Тургунбой ЗАМОНОВ,
Қашқадарё вилоят ПҚТМОИ катта
ўқитувчиси

Китоб инсонга содиқ дўст, ёлғиз қолганда мас-лакдош, ҳаёт сўқмоқлари-да доимий ҳамроҳ бўлиб келган. Шу боис ҳам ҳар бир инсоннинг китобга бўлган меҳри баланд бўлмоғи керак. Бунинг учун эса, унда ёшлигидан китобга бўлган меҳрини уйғота билиш лозим. Мактаб кутубхона фондини бадиий адабиётлар билан бойитиб бо-риш бу борада муҳим вазифалардан саналади.

Ҳозирги ёшлар китоб ўқимайди, деган сўзларни эшитиб қоламиз. Мен бу фикрдан бирмунча йироқ-ман. Ёшлар китоб ўқийди, аммо уларни қизиқтирадиган, талабга мос асарлар етишмаяптимикин? Фикримнинг исботи сифатида шуни айтишим керакки, мактаби-миздаги ўқувчи-лар-

НАЗОРАТ СИФАТГА ТАЪСИР ҚИЛАДИМИ?

нинг кўпчилиги билимга чанқоқ ёшлардир. Улар мендан турли мавзулардаги китобларни сўрашади. Жумладан, Муҳаммад Юсуф, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Чўлпон ва шунга ўхшаш сеvimли шоирларимизнинг ижодида кўпроқ мурожаат қилишади. Ёзувчиларимиздан Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романини, Ўткир Хошимов, Тохир Малик ва бошқа адибларнинг асарларини сўрашади. Ваҳоланки, буларнинг аксарияти кутубхонамиздан топилмайди. Ўзимча ўйлайман: демак, ёшларимизнинг китобга бўлган меҳри сўнмаган.

Албатта китоб дўконларида, бозорларда истаган мавзудаги китобни топиш мумкин, аммо уни сотиб олишга ўқувчининг имконияти етадими? Шунинг учун ҳам мактаб кутубхона фондини бадиий адабиётлар билан бойитиш шу куннинг долзарб мавзуларидан биридир, деб ўйлайман. Ахир бугунги ёшлар — келажагимиз пойдеворларидир. Улар билимли, ҳар томонлама етук инсон бўлишлари зарур.

«2002-2003 ўқув йили — мактаб кутубхоналари фаолиятини такомил-лаштириш ўқув йили» деб Халқ таълими вазирлиги томонидан эълон қилинган эди. Бунда кутубхона ишини текшириш кучайтирилди, назаримда. Аммо унга эътиборчи? Кутубхонанинг моддий аҳволи қандай? Унинг ишлаши учун шароит яратиб берилаяптими?

Кутубхоначи эрталабдан кечга-ча, кун бўйи ишлашга мажбур. Мактаб кутубхонасининг иши жуда оғир ва масъулиятлидир. Ўқувчиларни дарсликлар билан йил бўйи таъминлаб бориш мақсадида туман халқ таълими бўлимидан керакли китоблар ва дарсликларни келтириш зарур. Бунинг ўзи бўлмайди, чунки масала яна иқтисодий муаммоларга бориб тақалади. Бу ҳам бизнинг зиммамизда. Яна бир гап. Кутубхонамиз қишда совуқ бўлади. Мактабимиз газлаш-маган.

Печкаларга кўмир ёқилади. Печкамиз илма-тешик бўлиб ётибди. Умуман, қизмайди. Натижада қишда совуқда ўтириб ишлашга мажбур-миз. Касаллик орттириш ҳеч гап эмас. Ўқув зали ҳам йўқ. Шу хонанинг ўзига 3-4 та парта қўйилган холос. Китоб қўйиш учун атиги битта жавон ва иккита ярқисиз шкаф бор. Хуллас, ёзаверсам, муаммолар топилади. Муаммо ва камчиликларни айтишга, ёзишга бироз истиҳола ҳам қилдим. Бироқ ёз-дим... Зора, мутасадди ташкилотлар ўқиб, эътибор бериб қолса.

Шу ўринда мактаб кутубхоначиларига савол бермоқчиман: сизларнинг ишларингиз қандай аҳволда? Бу ҳақда фикрларингизни билиш истагидаман.

Шарофат ОТАЖОНОВА,
Шовот туманидаги 37-умумий
ўрта таълим мактаби кутубхона
мудираси

5-sinf (I chorak)

O'rganilayotgan ilm qanchalik e'tibor bilan egallansa, shunchalik yodda qoladi. Vaqti-vaqti bilan takrorlab turish esa, bilimni yanayam mustahkamlaydi. Umumiy o'rta ta'lim muassasalarida har bir chorak yakunida test sinovlari o'tkazish ham o'quvchi o'rganayotgan bilimni yanada mustahkamlashga xizmat qiladi. Shu bois quyida 5-sinflarda o'tiladigan "Vatan tuyg'usi" fanidan 1-chorak uchun namunaviy test savollari e'tiboringizga havola etilmoqda.

1. "Har kim tug'ilgan, o'sgan yerini jonidan ortiq suyar". Mazkur fikr kim tomonidan aytilgan?

- A. Sidqiy Xondayliqiy
- B. M.Behbudiy
- D. A.Avloniy
- E. A.Qodiriy
- F. Fitrat

2. Vatan ichidagi kichik vatanga nimalar kiradi?

- A. Inson tug'ilgan joy
- B. Voyaga yetgan xonaqon
- D. Mahalla
- E. Qishloq va shahar
- F. Barcha javoblar to'g'ri

3. "Ulton" so'zining ma'nosini toping.

- A. Dehqon
- B. Cho'pon
- D. Sulton
- E. Mehmon

F. Mezbon
4. "Qo'rg'onini faslning ustidan buyurdimkim, qadam urdilar. O'n ming olti yuz qadam chiqdi". "Boburnoma" asarida muallif qaysi shahar haqida ma'lumot bergan?

- A. Buxoro
- B. Xiva
- D. Termiz
- E. Qarshi
- F. Samarqand

5. "Fig'onkim, gardishi davron, ayirdi o'z diyorimdan" deb nola qilgan shoir nomini toping.

- A. Furqat
- B. Muqimiy
- C. Zavqiy
- D. Cho'lpon
- E. Fitrat

6. "Vatan" so'ziga ma'nodosh bo'lgan so'zlar qatorini toping.

- A. Uy, joy, ko'cha, mahalla
- B. Yurt, diyor, o'lka, mamlakat
- D. Tuman, shahar, qishloq
- E. Poytaxt, boshkent, ittifoq
- F. D va Ye javoblar to'g'ri

7. Begona yurtlarga ko'nikolmay o'tgan shoirlar nomi yozilgan qatorni toping.

- A. Cho'lpon, Fitrat
- B. A.Qodiriy, M.Behbudiy
- D. A.Avloniy, Muqimiy
- E. Bobur, Furqat
- F. Zavqiy, Sidqiy Xondayliqiy

8. Vatanga muhabbat tuyg'usi bilan yashagan, milliy g'urur-iftixorimiz bo'lgan vatanparvar ajdodlarimiz nomi keltirilgan qatorni ko'rsating.

- A. Shiroq, To'maris, Najmiddin Kubro, Jaloliddin Manguberdi
- B. Iskandar Zulqarnayn, Doro, Qutayba
- D. Chingizxon, Nodirshoh
- E. Alpomish, Go'ro'g'li, Ravshan

Test

F. To'g'ri javoblar berilmagan
9. "Qalb" so'zining ma'nodoshlarini toping.

- A. Ko'ngil, yurak, dil
- B. Do'st, birodar, og'ayni
- D. Qarindosh, jigar
- E. Mehribonlik, g'amxo'rlik
- F. To'g'ri javob berilmagan

10. Vatan tuyg'usi insondagi qaysi tuyg'u bilan uzviy bog'liq?

- A. Muhabbat tuyg'usi
- B. Do'stlik tuyg'usi
- D. Vorislik tuyg'usi
- E. Qardoshlik tuyg'usi
- F. To'g'ri javob berilmagan

11. Ota-bobolarning vorislik an'alarini saqlash uchun yoziladigan nasl-nasab tarixi qanday nomlanadi?

- A. Voqeanoma

B. Vorisnoma
D. Shajara
E. Xabarnoma
F. Dalolatnoma

12. "Alloma" so'zining ma'nosi yozilgan qatorni toping.

- A. Olimlarning ulug'i, olimlarning olimi
- B. Muhaddislar, taqvodorlar
- D. Adabiyotshunoslar, tarixchilar
- E. Shoirlar, yozuvchilar
- F. Kimyogarlar, mutaxassislar

13. Vatan tuyg'usi nima?

- A. Ona yerga muhabbat.
- B. Yurt sog'inchi.
- D. Yurt qayg'usi.
- E. G'urur-iftixor.
- F. Barcha javoblar to'g'ri

14. Insonning o'z Vatani himoya qilish, asrab-avaylash, uning shonu shuhratini oshirish yo'lidagi fidoyiligi qanday nomlanadi?

- A. Insonparvarlik
- B. Vatanparvarlik
- D. Tinchliksevarlik
- E. Mehnatsevarlik
- F. Qahramonlik

15. Oilaning asosini kimlar tashkil qiladi?

- A. Aka va uka
- B. Opa va singil
- D. Buvi va Buva
- E. Ota va ona
- F. Aka va opa

VATAN TUYG'USI

16. O'z hayotini Rasululloh hadislarini to'plashga bag'ishlagan muhaddis nomini toping?

- A. Mahmud Zamaxshariy
- B. Ahmad Yassaviy
- D. Imom Buxoriy
- E. Mahmud Qoshiy'ariy
- F. Alisher Navoiy

17. Dunyo shoirlari Vatan sha'niga Sifat axtarmishlar qator va qator, Nihoyat, kelmishlar bitta ma'niga Ona Vatan deya bitmishlar ash'or.

Mazkur satrlar qaysi shoir qalamiga mansub?

- A. Erkin Vohidov
- B. Omon Matjon
- D. Muhammad Yusuf
- E. Abdulla Oripov
- F. Safo Ochil

18. "Otdan beruxsat, bemaslahat biror bir ish qilmaslik" haqida berilgan hikmatni toping?

- A. Otang bolasi bo'lma, odam bolasi bo'l
- B. Ota rozi — xudo rozi
- D. Otang o'tirgan uyning tomiga chiqma
- E. Qush uyasida ko'rganini qiladi
- F. O'z uyim — o'lan to'shagin

Fotima XOLMIRZAYEVA,
XTV Ta'lim muassasalari
bosh boshqarmasi
nazoratchisi

ТЕСТ-СИНОВИ ВА ВАҚТ МУАММОСИ


кимёдан масалалар ечишда стехиоетрик
схемадан фойдаланиш

Республикамизнинг олий ўқув юртларига қобилиятли, иқтидорли ўқувчиларни танлаб олишда тест-синовларидан фойдаланилмоқда. Тест ўқувчидан иложи борича кам вақт сарфлаб тезроқ тўғри натижага эришишни тақозо қилади. Биласиз, айрим фанлардан берилган тест-топириқларига тўғри жавоб топишда қатор амалий машқларни, ҳисоб-ки-тоб амалларини бажариш лозим бўлади. Бу эса табиийки, ўқувчидан вақт талаб қилади. Агарда вақтнинг чекланганлигини инобатга олсак, тест-саволларига жавоб топишда ўқувчи масалани бажаришнинг бир эмас, бир неча усулларини би-лиши лозимлиги аён бўлади. Бу кимё фанидан бериладиган айрим масалаларни ечиш-да ҳам талаб этилади. Шу мақ-садда кимёдан масалалар ечишда стехиоетрик схемадан фойдаланиш жуда қулайдир. Масалан: «Кимёдан 500-маса-ла» (Тошкент. «Ўқитувчи» наш-риёти, 1991 йил) китобининг 54-бетидаги 215-масалани келтирамиз:

31 кг кальций фосфатни кўмир ва кум билан кўшиб эриштириб, ҳосил бўлган фосфорни ёндириб, ёниш маҳсулоти сувда эритилганида қанча микдор фосфат кислота олинадиган?

Бу масалани тўлиқ ечиш усу-лини келтирамиз. Бунда энг аввало содир бўлган реакция тенгламасини ёзиш лозим ва моддаларнинг рамиёй белгилари орасига зарур бўлган коэф-фициентларни танлаб қўйиб чиқиш зарур.

Реакция тенгламаси қуйида-гича:



Аввал 31 кг кальций фосфат-дан юқоридаги тенглама бўйи-ча қанча фосфор чиқишини топиш лозим.

$$Mr [Ca_3(PO_4)_2] = 310$$

Тенгламадан кўриниб туриб-дики,


$$\begin{aligned} 310 \text{ кг } Ca_3(PO_4)_2 \text{ дан} & \rightarrow 62 \text{ кг } P \text{ ҳосил бўлади.} \\ 31 \text{ кг } Ca_3(PO_4)_2 \text{ дан} & \rightarrow X \text{ кг } P \text{ ҳосил бўлади.} \end{aligned}$$

Бундан:

$$x = \frac{31 \text{ кг} \cdot 62 \text{ кг}}{310 \text{ кг}} = 6,2 \text{ кг}$$

P (фосфор)

Энди олинган фосфорни ёндириб, қанча фосфат ангид-рид ҳосил бўлишини топиб оламиз.



Тенгламадан кўриниб туриб-дики, 124 кг P дан 284 кг P₂O₅ ҳосил бўлмоқда. 6,2 кг P дан қанча кг P₂O₅ ҳосил бўлади. Яъни

$$\begin{aligned} 124 \text{ кг } P \text{ дан} & \rightarrow 284 \text{ кг } P_2O_5 \text{ ҳосил бўлади.} \\ 6,2 \text{ кг } P \text{ дан} & \rightarrow X \text{ кг } P_2O_5 \text{ ҳосил бўлади.} \end{aligned}$$

$$x = \frac{6,2 \text{ кг} \cdot 284 \text{ кг}}{124 \text{ кг}} = 14,2 \text{ кг}$$

P₂O₅

Ҳосил қилинган P₂O₅ ни сув-да эритиб қанча фосфат кис-лота ҳосил бўлишини топамиз

$$P_2O_5 + 3H_2O = 2H_3PO_4$$

Кўриниб турибдики,

$$142 \text{ кг } P_2O_5 \text{ дан} \rightarrow 196 \text{ кг } H_3PO_4 \text{ ҳосил бўлади.}$$

$$14,2 \text{ кг } P_2O_5 \text{ дан} \rightarrow X \text{ кг } H_3PO_4 \text{ ҳосил бўлади.}$$

$$x = \frac{14,2 \text{ кг} \cdot 196 \text{ кг}}{142 \text{ кг}} = 19,6 \text{ кг}$$


H₃PO₄

Шу натижага эришгунча кўриниб турибдики, учта реак-ция тенгламаси ёзилиб, улар устида олиб борилган

Amaliy mashg'ulotlarda

ҳисоботлар жуда кўп вақт сарфланишга олиб келди. Натижада, тест топираётган ўқувчи ўзига берилган чегара-ланган вақтдан унумли фойда-лана олмайди.

Энди шу масалани стехио-етрик схема асосида ечиш усулини билган ўқувчи эса на-тижага осон эришади. Бироқ, таъкидлаш лозимки, ушбу усул-да масалани ечиш учун ўқувчи дарс жараёнида юқорида ба-жарилган амални ўрганиши лозим бўлади. Шунда масала-ни стехиоетрик усулда ечиш-да қийналмайди. Стехиоет-рик схемани тузишда энг ав-вало, шу нарсага эътибор бе-риш керакки, дастлабки ва реакциядан кейинги моддалар таркибидаги зарур бўлган эле-мент атомлари бир бирига тенг бўлиши лозим, формулалар олди-га қўйилган коэффицент-лар ҳисоблашда тушириб қол-дирилади. Дастлабки ва охи-рги моддалар орасига стрелка қўйилади. Бизга берилган ма-сала зарур элемент фосфор-дир. Демак, схема тузишда дастлабки ва охи-рги модда-лар таркибида фосфор атоми тенг бўлса бас. Схема қуйида-гича тузилади.



Бундан

$$x = \frac{31 \text{ кг} \cdot 196 \text{ кг}}{310 \text{ кг}} = 19,6 \text{ кг}$$

H₃PO₄

Кўриниб турибдики, бунда жуда оз вақт сарфланди. Ор-тикча реакция тенгламалари-ю уларга коэффицентлар топиш каби беҳуда вақт сарфлашнинг ҳеч ҳожати йўқ. Айниқса, тала-баликка қабул қилишнинг тест усули жорий қилинган ҳозир-ги вақтда бу жуда долзарбдир.

Қаюмжон БОЗОРОВ,
Андижон вилоятининг
Олтинкўл туманидаги
12-ихтисослашган
гимназия-интернатининг
олий тоифали
кимё ўқитувчиси

О'қувчига чуқур bilim berish, zarur ko'nikma va malakalarini hosil qilish, mustaqil fikrlashga o'rgatishga darsni noan'anaviy tarzda tashkil etish, turli ko'rgazmali vositalaridan foydalanish yuqori samara berishi tayin. Zero, o'quvchi nazariy fikrlardan ko'ra, ko'rgazmali tarzda o'tilgan amaliy mashg'ulotlarida faol ishtirok etadi. Bu ayniqsa, boshlang'ich sinf o'quvchilarini fanga qiziqitirishda juda qo'l keladi.

Quyida e'tiboringizga havola etilayotgan 2-sinf matematika fanining «Nol (0)ni bo'lish» mavzusini o'tish yuzasidan bir soatlik dars ishlanmasida o'qituvchi asosiy urg'uni yuqoridagi fikrga qaratgan.

Mavzu: «Nolni bo'lish»
Darsning maqsadi: a) Nolni bo'lishga doir misollarni bajarishga o'rgatish;

b) O'quvchilar fikr doirasini o'stirish;

d) Odob-axloq, mehnatsevarlik ruhida tarbiyalash;

Dars tipi: Aralash uslubda

Dars jihozi: Darslik, kartochkalar, test savollari, ko'rgazmali vositalar.

O'qituvchi: — Assalomu alaykum aziz o'quvchilar.

O'quvchilar: — Assalomu alaykum.

O'qituvchi: — Hozir nechanchi dars soati.

O'quvchilar: — Ikkinchi.

O'qituvchi: — Sinfda nechta o'quvchi bor?

a) 79

v) 78

d) 77

Har bir test savollariga berilgan to'g'ri javob uchun 2 ball beriladi. Shundan so'ng o'tgan mavzuni mustahkamlash uchun kartochkalar orqali og'zaki misollar bajariladi.

$$\begin{aligned} 71 : 1 &= & 82 : 1 &= \\ 10 : 1 &= & 8 : 1 &= \end{aligned}$$

O'tilgan mavzu mustahkamlangach, yangi mavzu sinf taxtasiga yoziladi.

Yangi mavzu: «Nolni bo'lish»

803-misolni og'zaki bajartirish:

$$6 \text{ dm} = 60 \text{ sm} \quad 8 \text{ dm} \quad 7 \text{ sm} = 87 \text{ sm}$$

$$6 \text{ m} = 60 \text{ dm} \quad 7 \text{ dm} \quad 8 \text{ sm} = 78 \text{ sm}$$

Topshiriq o'quvchilar uchun oldindan tayyorlangan kartochkalar orqali bajartiriladi.

Darslik bilan ishlash: 804-misol darichalar o'rniga amal ishoralarining (+, -, ·) mosini qo'yib misollarni og'zaki bajarish:

Yechish:

1) 38-6=32 kg

2) 38+32=70 kg.

Javob: 70 kg terilgan.

Sinfda bajariladigan misol, masalalar o'quvchilar bilimi, fikrlash qobiliyatini o'stirishga qaratilgan bo'lib, «Zukkolar» o'yini tashkil etiladi. (Bunda 3 guruhdagi o'quvchilar uchun 3 ta kartochka beriladi). Bu o'yinda ham to'g'ri javob uchun 1 ball beriladi.

Savollarga tez va to'g'ri javob bergan guruhga rag'batlantiruvchi 1 ball qo'shib beriladi.

1) 20 ta kalava ipdan 4 ta sharf to'qildi. 1 ta sharfga nechta kalava ketgan? 20:4=5

2) 2 g'ildirakli 5 ta velosiped uchun nechta g'ildirak kerak bo'lgan? 2x5=10

3) 18 ta pichoq qutichalarga 6 tadan qilib joylandi. Nechta quticha kerak bo'lgan? 18:6=3

NOLNING BO'LINMASI NEGA O BO'LADI?

O'quvchilar: — Bizning sinfimizda 36 nafar o'quvchi o'qiydi.

O'qituvchi: — Bugun kim navbatchi, aytinchchi, hozirda nechta o'quvchi darsda ishtirok etayapti?

Navbatchi: — 36 o'quvchining barchasi darsda.

O'qituvchi: — Aytinchchi, yuqoridagi savollarga to'g'ri javob topishingizda sizga qaysi fan yordamga keladi?

O'quvchilar: — Matematika.

O'qituvchi: — Barakalla, agarda matematikani chuqur o'zlashtirsangiz hatto koinotdagi yulduzlar sonini ham bexato aytib berish imkoniga ega bo'lasiz. Demak, darsimiz matematika.

O'qituvchi: — Shu tariqa o'quvchilarning darsga tayyorgarliklarini aniqlab, o'tilgan mavzuni mustahkamlash va uy vazifasini ko'zdan kechiradi. Daftarlarni yig'ish jarayonida zanjir usulida o'tilgan mavzu — «3 ga ko'paytirish» yuzasidan sochma savollar berdi. 3x1=?, 3x2=?, 3x?=9...

Savollar yakunida tarqatma test savollari tarqatilib, o'quvchilar savollarga javob topguncha qadar yozuv taxtasida tez yechish misollari bajariladi.

$$\begin{aligned} 6 \times 2 &= & 3 \times 4 &= & 4 \times 1 &= \\ 5 \times 2 &= & 8 : 2 &= & 10 : 5 &= \end{aligned}$$

Tez bajargan o'quvchilar rag'batlantirilib ball (tarqatma 1 ball) berildi.

Testning javoblari aniqlanib, ularni ham baholandi.

TEST

1) 6 x 2 + 2 ifodaning qiymatini toping?

a) 12

v) 14

d) 16

2) 86-14 ifodaning qiymatini toping?

a) 72

v) 62

d) 52

3) 5 x 3 + 3 ifodaning qiymatini toping?

a) 15

v) 16

d) 18

4) 26+51 ifodaning qiymatini toping?

$$\begin{aligned} 0+5 &= & 8 \times 0 &= & 6 \times 1 &= & 6 \\ 0 \times 5 &= & 8+0 &= & 8 \times 7 &= & 7 \end{aligned}$$

O'qituvchi nolni bo'lishni darslikdagi 805-misol va ko'rgazma asosida yozuv taxtasida tushuncha berar ekan, o'quvchilar e'tiborini quyidagi misolga qaratadi. 0:8=0 chunki 0x8=0 a:0=0

$$0:12=0$$

chunki 0x12=0

O'qituvchi: Eslab qoling, yuqoridagi amalni bajarishda ko'ringanidek, Nol har qanday songa bo'linganda nol hosil bo'ladi.

Masalan:

$$0:10=0 \quad 0:21=0$$

a x 0 nolga bo'lish
mumkin emas!

806-misolni darslikdan yozuv taxtasida bajartirish orqali o'quvchilar bilimlari mustahkamlanadi.

$$0+0+0+0=0 \quad 1+1+1+1=4$$

$$0 \times 8 = 0 \quad 1 \times 0 = 0$$

$$4 \times 0 = 0 \quad 4 \times 1 = 1$$

$$0 : 7 = 0 \quad 0 + 1 = 1$$

$$16 + 6 : 1 = 22 \quad 16 + 0 : 6 = 16$$

807-misolni «Kim tez va to'g'ri bajaradi?», nomli musobaqa tarzda davom ettiradi. Tez, to'g'ri bajargan o'quvchilarni rag'batlantirib, ball beriladi. Shundan so'ng, o'qituvchi o'quvchilarning tez fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirish maqsadida sinf o'quvchilarini uch guruhga bo'lib, o'quvchilarning diqqatini to'plab olishlari uchun matematik diktant yozdirilib, to'g'ri javob uchun bir ball dan baho beriladi.

1. 26 bilan 7 ning ayirmasini toping? 26-7=19

2. 71 bilan 1 ning ko'paytmasi nechaga teng? 71x1=71

3. 10 ni 2 marta kamaytirsak necha bo'ladi? 10:2=5

O'quvchilar baholanganidan so'ng yana darslik bilan ishlashga o'tilib, 808-masala o'qitiladi va o'quvchilar tushunchasi orqali yozuv taxtasida masala bajariladi. (ko'rgazma asosida)

Hasharchilar dalaning 1-jo'yagidan — 38 kg bodring, 2-jo'yagidan — ? 6 kg kam bodring terdi.

Hammasi nechta kg terildi-?



Xolida DAVLATOVA,
Termiz shahridagi 13-umumiy
o'rta ta'lim maktabining
boshlang'ich sinf o'qituvchisi

"2004-2005 o'quv yili — maktabdan tashqari ta'lim samaradorligini oshirish o'quv yili"

"Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бўлса ҳам, иккиси бири-бирдан айрилмайдургон, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидир", — деган эди буюк маърифатпарвар Абдулла Авлоний.

Дарҳақиқат, бугун кўпчилик мана шу фикрнинг исботини топиб турибди.

Янги ўқув йилининг бошида Фарғона вилоятида "Мактабдан ташқари таълим муассасаларининг фаолият самарадорлигини ошириш омиллари ва тараққиёт истиқболлари" мавзусида республика семинар-кенгаши бўлиб ўтган эди. Ана ўша семинар-кенгашда Охунбобоев туманининг 2-ихтисослашган мактабида ўқувчиларга рус тили ва адабиёти фанидан сабоқ берувчи, БМТ Болалар жамғармасининг Халқаро таълим дастурлари бўйича тренер-консультанти, Пушкин номидаги халқаро мукофот соҳиби Тўлқин Алибоев иштирокчилар билан бирга "Дарё ёқалаб бораётган бола" машғулоти олиб борди.

Бу машғулот айна кунларда қўлланилиб келинаётган ҳеч бир машғулотларга ўхшамаслиги, ўсмир шахсини очиб беришда янги йил тутилгани билан ажралиб турди.

Дастлаб тренер вазифасини бажарувчи Тўлқин Алибоев иштирокчилар орасидан 10 нафар кўнгиллини танлаб олди. Бу кўнгиллилар турли ролларни бажардилар: ўсмир, ота ёки она, бува ёки буви, дин арбоби, яқин дўст, ўқитувчи, ижтимоий ҳимоя идораси ходими, ОАВ ходими, сохта дўст, шифокор.

Роль ижро этувчилар икки дақиқа давомида ўз ролларини қандай ижро этиш ҳақида ўйлаб кўрадилар. Бу вақтда ўсмир хонадан ташқарига чиқиб туради.

Бу машғулотдан олинандиган хулоса қандай бўлишини билиш учун иштирокчилар сафига қўшилдим. Тренер ҳар биримизга қўлидаги карточкалардан бирини танлашимизни тақлиф қилди. Менга "ўсмир" деб ёзилган карточка тушди.

Шундан сўнг тренер "ўсмир" деб ёзилган карточка эгаси, ташқарига чиқиб турсин, дея машғулотни бошлади.

Машғулотнинг мақсади: Шахс тарбияси билан шуғулланувчи мутахассисларни ўсмирларнинг кундалик ҳаётида учраши мумкин бўлган босимлар билан таништириш. Бу борада ўсмирларга йўл-йўриқлар беришнинг турли йўллари билан бориш.

Машғулот учун керак бўла-

Ҳар бир инсонни катта ҳаёт саҳна-сига етаклаб, унга оқ йўл тилловчи улуг маскан — бу мактаб эканлигини жуда яхши биламиз. Мактаб бизни нафақат катта ҳаёт саҳна-сига, балки улуг даргоҳлар томон ҳам кузатади. "Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир", дейди доноларимиз. Дарҳақиқат, бизнинг мактаб бағрида олган билимларимиз, келажақда қилмоқчи бўлган эзгу ишларимизда дастурамал вазифасини ўтайди. Лекин, бугун кўпчилигимизни оғриқли бир муаммо қийнайди. У ҳам бўлса...

Келинг, ўша муаммага атрофлича ёндашсак. Ҳар бир ўқувчининг мактабда чуқур ва пухта билим эгаллашида ўқитувчи ўтаётган мавзунини ўрганиш учун 40 ёки 45 дақиқалик вақт камлик қилади. Бунинг учун кўшимча дарсга ёки бугун кўпчилик (айниқса, мактабни битириш арафасида турганлар) жуда муҳтож бўлиб турган репетиторларга эҳтиёж туғилади гоҳида.

Наҳот бугун ҳамма мана шу репетиторларга суяниб қолган бўлса, деган оғриқли савол кўпчиликни қийнаб келаётгани рост. Репетитор сўзининг мазмун-моҳиятига эндигина тушуниб етаётган ота-оналарнинг кўпчилиги ўзлари ўқиган даврларни эслаб, "биз ўқиган даврларда тўғараклар бўларди", дея нолиб қўйишади.

Тўғри, лекин ҳозир-чи? Ҳозир, наҳотки мактабларда тўғараклар ташкил этилмаган бўлса? Албатта, бу гаплар билан бугун мактабларимизда умуман тўғараклар ташкил этилмаган, деган фикрдан мутлақо йироқмиз. Тўғараклар мавзуси билан қизиқиб

кундалик ҳаётида учраб турадиган турли гуруҳларни англайди.

Иштирокчиларнинг қолган қисми машғулотни кузатади. Ҳозирги кунда ўсмирларга қанчалик кўп таъсир этувчи омиллар борлигига эътибор беришларини сўраб, тренер машғулотни бошлайди.

Бир вақтнинг ўзида роль бажарувчи иштирокчилар кўзи боғланган ўсмирга оролардан ўтиб бориш ҳақида кўрсатма бериб турадилар. Ўсмир қайси кўрсатмага қулоқ солишни ва уни қандай бажаришни ўзи ҳал қилади.

Турли тавсиялар остида ўсмир дарё охирига етиб бориши керак.

Ўсмир дарё охирига етиб бор-

— Бундай вазият ҳаётимми?

— Ҳаётим деб жавоб берганлар: "нима учун ҳаётим", йўқ деб жавоб берганлар: "нима учун шундай"?

— Ўсмир ўзини қандай ҳис этди?

— Сиз ўсмирлик даврингизда шундай вазият билан тўқнашган-мисиз?

— Бундай ҳолатлар ўсмирнинг у ёки бу қарорга келишига таъсир кўрсатадими?

Энди бу саволларга батафсил жавоб берамиз.

АВВАЛО ЎСМИРНИНГ ЖАВОБИ: — Мен кўзим боғлиқ бўлса ҳам кўпгина нарсаларни ҳис қилдим. Кимдир бу йўлда менга яхши маслаҳатлар берди. Баъ-

ошириш курсларида мана шундай тренингларида иштирок этмоғи, ўз болалигига, ўз ўсмирлигига қайтмоғи лозим. Шундагина улар балоғат остонасидаги болаларни нималар ташвишга солишини, улар қандай омиллар таъсирига тез берилиб кетишини тушунади.

Машғулот охирида америкалик машҳур педагог Дороти Ло Нолменинг қуйидаги фикрлари йиғилганларга ўқиб берилди.

• Агар ўсмир ҳаёти давомида фақат танқидга дуч келса, у фақат қоралашни ўрганади.

• Агар ўсмир фақат низо ва зиддиятлар билан тўқнашса, у фақат қаршилиқ кўрсатишга кўникади.

• Ўсмир фақат камситишларга дуч келиб улғайса, у фақат қатъиятсизликни ўзлаштиради.

• Ўсмирни фақат уялишга ўргатишса, у ҳар доим ўзини айбдордек ҳис қилади.

• Ўсмир фақат бағрикенглик билан учрашса, у ўзгаларга нисбатан сабр-бардошли бўлишни ўзлаштиради.

• У ҳаётда фақат қўллаб-қувватлашларини ҳис қилиб мустақил ҳаётга қадам қўйса, янада яхши хулқли бўлишга интилади.

• У фақат мактовлар билан рағбатлантирилса, миннатдор бўлишни ўзлаштиради.

• Ўсмир ҳаёти мобайнида фақат адолат билан тўқнашса, адолатли ҳукм чиқаришни ўзлаштиради.

• Унга доимо ишонч билдиришса, кейинчалик у ҳам ишонч билдиришни ўрганади.

• Агар у хулқини мақтаётганларини ҳис қилса, ўзини ва атрофдагиларни ҳурмат қилишга мойил бўлади.

• Агар ўсмир фақат дўстлик билан тўқнашса, бутун оламни севишга интилади.

Машғулотда Шарифа МАДРАХИМОВА қатнашди

ДАРЁ ЁҚАЛАБ БОРАЁТГАН БОЛА

ёхуд бола шахсини шакллантиришда тарбия бўғинларининг ҳамкорлиги

диган ашёлар: Кўзни боғлаш учун қалинроқ мато, лента (қоғоз ёки матодан. Бу машғулот хонаси ўртасига дарё шаклини бериш учун керак бўлади), карточкалар.

Биз катталар аксарият ҳолларда ўсмир бўлиш қанчалик масъулиятли ва мушкул эканлигини унутиб қўямиз. Ўсмирлар эса, турли вазиятларда турли таъсир ва босимни ҳис этиб вояга етадилар. Ушбу машғулот ўсмирлар ҳис қиладиган турли босимларни катталарнинг ҳам ҳис қилишига ёрдам беради.

Икки бўлак лентадан дарё ҳосил қилинади. Дарё ўртасида карточкалар, яъни "ороллар" мавжуд. Бу оролар ўсмирнинг

гач, унинг кўзидаги лента олинади. Ва у билан тренер ўртасида қуйидагича савол-жавоб бўлиб ўтади.

— Сиз кўзингиз боғлиқ ҳолда кетаётиб, қандай маслаҳатлар ва йўл-йўриқларни эшитдингиз?

— Ана ўша йўл кўрсатганлар орасида сиз кимлар бўлиши мумкин деб ўйлайсиз?

— Дарё ёқалаб бораётиб, сизга хайрихоҳ бўлганлар билан бирга, сизни тўғри йўлдан адаштирувчи маслаҳатларни ҳам эшитдингизми?

Ўсмир ролини ўйнаган иштирокчи бу саволларга жавоб беради.

Шундан сўнг машғулот ҳақида иштирокчилар фикри сўралиб, муҳокама қилинади.

зилар мени гиёҳванд модда таиб кўришга, дарсдан қочишга ундади. Яна кимдир менинг ёмонлигимни айтди. Яхши маслаҳат берганлар орасида мен онам ёки отам, яқин дўстим, ўқитувчим ва яна кимдир борлигини ҳис қилдим. Менимча, ёмон йўл-йўриқлар берувчилар яна бир ўртоғим, у менга сохта дўст бўлса керак, шунингдек, кўчадаги мен танимайдиган бир киши.

Шундан сўнг тренер: — Дарё бошига етишингиз биланоқ нимани ҳис қилдингиз, — деб сўрайди.

Ўсмир: — Елкамдан тоғ ағдарилгандек бўлди.

Ҳа, ҳар бир таълим ходими амалий машғулотларда, малака

ПАСТ ЎЗЛАШТИРУВЧИ ЎҚУВЧИЛАР

улар билан тўғаракларда алоҳида ишланса, вазият яхши томонга ўзгаради

бир нечта мактабларга мурожаат қилганимизда, "бизда ҳеч қандай тўғарак йўқ. Ўқувчиларнинг ўзи дарсга зўрға келиб кетади-ю, яна қанақа тўғарак бўлиши мумкин", дея энсаси қотганлар ҳам учради.

Лекин ҳар нарсга баҳона излайвермай, ўқувчилар билан ишлашни қайта йўлга қўйиш учун тўғараклар ташкил этаётган шундай мактабларимиз ҳам борки, уларнинг бугун қилаётган ишлари бошқа мактаблар учун, албатта, ўрнатилган бўлади.

Шундай диққатга сазовор мактаблардан бири Мирзо Улуғбек туманида жойлашган Мавжуда Йўлдошбекова раҳбарлик қилиб келаётган 148-ўрта умумтаълим мактабидир.

Мактабда ҳафтанинг маълум бир кунларида дарсдан кейин ўқувчилар билан алоҳида ишлаш учун табиий-гуманитар фанларга ихтисослашган тўғараклар, спорт, каратэ, қизлар учун алоҳида зардўзлик, ўғил болалар учун дурадгорлик, шунингдек, мусиқа тўғараклари ташкил этилган. Шу орқали ўқувчиларнинг дарсдан кейинги бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва энг

диққатга сазовор томони, ўзлаштириши паст бўлган ўқувчилар билан қайта ишлаш йўлга қўйилган. Тўғарак машғулотлари дарсдан кейин 13⁰⁰-13³⁰ ларда бошланиб, 15⁰⁰га қадар давом этади. Ҳар бир тўғаракнинг 24 нафар ўқувчиси икки гуруҳга бўлиниб, тўғарак дарслари ўша фан ўқитувчисининг бевосита иштироки билан олиб борилади.

Шундай ўқитувчилар сирасига Маҳфуза Турсунова, Дилором Мирзакаримова, Дурдона Қосимова, Дилором Бегалиева, Моҳигул Холиқоваларни киритиш мумкин.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, мана шу тўғаракларга аъзо бўлган ўқувчилар бошқа ўқувчиларга нисбатан ўтиладиган мавзунини тез ва осон ўзлаштиради. Шунингдек, тўғарак аъзолари турли хил кўрик-танловларнинг, қолаверса, фан олимпиадаларининг фаол иштирокчилари ҳисобланади.

Мактабда шу йил ташкил этилган экология-география тўғараги раҳбари Моҳигул Холиқова ўтаётган машғулотларни кузатдик. Кузатувлардан

сўнг Моҳигулнинг тўғараклар ҳақидаги фикри билан қизиқдик. "Тўғараклар ҳақида фикрим ижобий, албатта, — дейди М.Холиқова. — Тўғарак ташкил этилганига ҳали унчалик кўп фурсат бўлмаган бўлса-да, фаолиятим мобайнида ўқувчиларнинг (айниқса кичик ёшдаги) билимга чанқоқлигига, лекин уларга ўз вақтида эътибор қаратилмагани боис уларнинг паст ўзлаштираётганликларига гувоҳ бўлдим. Шундай ўқувчилар борки, уларнинг ўзлаштириши ниҳоятда паст даражада, лекин шундай ўқувчилар билан алоҳида ишланса вазият яхши томонга ўзгаради.

Ўзим бошчилик қилаётган экология-география тўғараги "Биозкосан" ўқув-услубий мажмуасининг бевосита ташаббуси билан, шу йилнинг сентябрь ойида ташкил этилди. Қўшимча дарс учун қўшимча иш ҳақи ҳам мана шу клуб томонидан берилди".

Тўғарак дарсларини бевосита кузатар экансиз, ҳар бир ўқувчининг кўзида унинг билимга чанқоқлигини сезасиз. Улар тўғарак машғулотларига ўз ихтиёрлари билан қатнашадилар. Демак, ўқувчилар биздан нимани кутади, бунинг вақтида англашимиз керак. Улар ўз ихтиёри билан келибдими, улардан кичкина ёрдам, яъни ўз эътиборимизни аямайлик. Шундагина улар катта бўлганларида ҳам бошқаларга ўхшаб, репетиторларга балки умуман эҳтиёж сезмас. Бу кимнинг ютуғи бўлади? Албатта, бизники!

**Маъмурахон ҚУТЛИЕВА,
ЎЗМУ журналистика
факультети талабаси**

КАСБ ТАНЛАШНИНГ РУХИЙ САБАБЛАРИ

Психологларнинг таҳлилларига қараганда, инсон учун унинг исми ўзига энг ёқимли сўз саналади. Ҳаётининг фаолиятда инсоннинг ўзлиги учун унинг касбидан муҳимроқ нарса бўлмас керак. Шунинг учун ҳам ҳадисларнинг бирида "Ал касби хабиб Оллоҳ", яъни Оллоҳ касбли кишининг дўстидир, дейилади.

Шундай бўлишига қарамасдан одамлар, ҳатто ўта тажрибали кишилар ҳам кўпга касблар ҳақида бирор тушунчага эга бўлмастлиги мумкин.

Масалан, қадимда саррофлик, наққодлик касблари бўлган ва улар билан кишилар шуғулланган. Аммо бу касблар ҳозирда бошқача айтилади ҳамда бу замон ва ўз даврида тилнинг ўзгаришлари билан боғлиқ. Масалан, наққод нарсаларнинг асл ёки ноаслигини аниқлаган. Ҳокимлик ва подшоликлар даврида улар қалбаки пул чиқарувчиларни кидириб топиш билан машғул бўлишган. Кейинчалик бу касб ва у билан шуғулланувчилар бошқача айтилиб кетган.

Саррофлик бугунги кунда ҳаётимизга касб сифатида қайтапти, аммо пул алмаштирувчи сифатида ишлатилмоқда. Чунки, саррофлик сўзи касб сифатида анча йиллар давомида таомилдан чиқиб кетган эди.

Наққод ва наққодлик эса умуман ишлатилмайди.

Кўриниб турибдики, замон ўзгариши билан янгидан-янги касблар очилиб, кўпгина касблар, тарих қаърига сингиб кетади. Масалан, бугун камончилик билан шуғулланаётган одамни учратмаймиз. Шу билан бирга уяли телефон усталарини ҳам ҳали кўпчилик билмайди.

Биз катталар ўзимиз кўпга касбларни ҳатто эшитмаган бўлсак, ёшларимизга қандай қилиб улар ҳақида, уларнинг бўлғуси хунарлари тўғрисида тушунча берамиз, деган саволлар туғилади. Ёш авлод ўзини секин-аста бўлғуси касбига тайёрлаб боради. Ўзи қизиққан соҳа бўйича китоблар ўқиб, дарсликлар ёки ўша касб билан шуғулланаётган одамларнинг фаолиятини кузатиш орқали бўлғуси касби тўғрисидаги билим ва кўникмаларини кенгайтиради. Бу ҳолат болаларнинг мактаб ёшида бошланиб, айниқса юқори синф ўқувчилиги даври — бу ҳаётининг фаолият йўналишини излаш даври саналиб, айниқса бўлғуси фаолият, касб ҳақида улар анча кўп ўйлашади.

Ўсмирлар бу ҳақда, қанча кўп ўйлашсан, уларнинг бу уринишлари юқорида айтилган сабабларга кўра, яъни касблар ҳақидаги маълумотларнинг камлиги, ўсмирларда ҳаётининг тажрибанинг етишмаслиги, уларнинг амру қарорларини баъзан катталарнинг бузиб юборишлари ва бошқа кўпга сабабларга кўра касб танлаш оғир, кўпгина ҳолларда самарасиз кечади.

Албатта, мактаб ёшидаги ва ундан кичикроқ ёшдаги болалардан "ким бўлмоқчисиз" деб сўрасангиз аниқ бир шу даврнинг машхуруқ касбини айтиши турган гап. Масалан, авваллари ҳамма космонавт бўлишни хоҳларди, ҳозир эса, бизнесмен бўлишни ёқтиради.

Ушбу жавобнинг яхши ёки ёмон томонини қидирмасдан, унинг ўта

мавхумлигини таъкидлаб ўтиш кифоя.

Болалар мактаб ёшида касблар тушунчасига кўпинча дарс предметларидан келиб чиқиб фикр юритишади. Баъзи ҳоллардагина ўзларининг шахсий хусусият ва имкониятларини инобатга олишади. Танланган касб ва унга талаб қилинадиган ақлий, жисмоний ва бошқа заруратлар сўралганда, улардаги ўша касб тушунчаси ўта нотўлиқлиги аён кўринади.

Демак, айна мана шу ҳолатга ўқитувчи, педагог ва тарбиячилар психологик нуқтаи назарни инобатга олганда камида икки томондан ёндашишлари лозим.

Биринчидан, шахснинг индивидуал хусусиятлари, уларни тараққий қилдириш йўллари, айна шу шахснинг кучли ёки кучсиз томонлари касб танловчига жуда кенг қилиб етказилиши керак. Иккинчидан, касблар ҳақидаги маълумот-

Kasbga yo'naltirish

лар қай даражада кенг бўлиши билан бир қаторда, ўша кенг муҳимликнинг ўта тор йўналишлари ҳақида тўлиқроқ маълумот бериш зарур.

Биз катталар хоҳлаймизми, хоҳламаймизми, касб танлашда ёшлар жуда кўп ҳолларда ўз касбларига тасодифан етиб келишади.

Мана бир мисол. Психологлар ўтказган тадқиқотларнинг бирида "Тиббиёт билим юртига киришингиздан мақсад?", деган саволга фоиз жиҳатдан олганда мана шу тартибда жавоб беришган:

1. Ишлаш қизиқ.
2. Маоши юқори.
3. Билим юрти яшаш жойимизга яқин.
4. Катталарнинг маслаҳати билан.
5. Ишлаш осон.
6. Ўз соғлигимни ҳаммаша назорат қилиш имкони бор.
7. Дўстларим маслаҳат берди.
8. Бошқаларга доимо ёрдамим тегади.
9. Бўш вақтим етарли бўлади.
10. Ҳар хил одамлар билан мулоқотда бўламан.
11. Оилада зарур касб.
12. Тиббий ёрдам доимо керак.
13. Врач бўлмоқчиман.
14. Авлодимизда врачлар кўп.
15. Саломатлигим яхши эмас.

Ушбу жавобларга қараб психолог респондентнинг кимлиги ва у қандай қилиб касб танлаганлиги ҳақида маълумот бериши мумкин.

Минглаб касблар бўлишига қарамасдан шахс томонидан унинг ўз хоҳиши, имконияти, индивидуал хусусиятларига хос танланган касбига инсонга маънавий куч-қувват ва ҳаётининг рағбат беради. Шахснинг ўзига монанд қилиб танланмаган касби унга бир умр азоб бўлиб туюлиши мумкин ва шундай ҳам бўлади.

Яна бир томони шундаки, ёшлар ён-атрофларида кўпга касбларни қанчалик тез-тез кўриб улардан хабардор бўлишига қарамасдан, айтилик, оммавий овқатланиш, коммунал хизмат, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги касбларни тилга олишмайди. Ёшлиқда шахс руҳида ҳали романтик орзу кучли бўлади. Демак, ёшлар орасида касб-хунар ҳақида гап кетганда ҳар бир касбнинг энг қийин, монотон

томонлари билан бир қаторда романтик қисмларини ҳам кўрсата билиш катта аҳамиятга эга.

Айтиш лозимки, ўсмирларнинг, юқори синф ўқувчиларнинг ҳаммаси ҳам бу ёшда ўз бўлғуси касбларини танлаб улгуришмайди. Психологларнинг тадқиқотларига қараганда, уларнинг 65—85 фоизига ўз касбларини танладим, дейиши мумкин. Шунда ҳам, юрист бўламан деган ўсмир терговчи ёки нотариус бўлишини аниқ айта олмайди. Уларнинг кўпчилиги бундай аниқлаштириш учун берилган саволларга ён-атрофидаги кишилар, ота-онаси, таниш-билишларининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолдагина аниқлаштириб жавоб беришлари мумкин.

Шундай экан, қандай сабабларга таяниб шахс касб танлайди, деган саволга жавоб излар эканмиз, бунинг натижаси анча қизиқарли чиқади.

Маълумотларга қараганда, ёшларнинг касб танлашида ўқитувчи ва тарбиячиларнинг роли катта экан. Респондентларнинг 40—50 фоизи ўз хоҳишини мактабдаги ўзи ёқтирган предмет ва ўша предмет ўқитувчиси билан боғлашар экан. Албатта, бу ўринда уларнинг ушбу фанга бўлган мойиллиги ва шу предмет ўқитувчисини ҳурмат қилиши ҳам ўта катта аҳамият касб этади.

Ёшларнинг касб танлаш соҳасидаги типик хатолари эса, ижтимоий муҳит ва давр билан ҳам ўта боғлиқ юради.

Биринчидан, бу ўринда ўша юқорида гап кетган "обрўли" касб тушунчаси ёшлар руҳига кенг ва чуқур сингиб боради.

Иккинчидан, ёшлар кўпинча мактабдаги предметлар билан касб тушунчасини ўта яқин кўяди.

Учинчидан, бирор шахс ва ушбу шахс касби билан боғлиқ тушунчалар кўпинча у ижобий бўлса ижобий, салбий бўлса салбий ҳолатда ёшлар томонидан нотўғри қабул қилинади. Мисол учун солиқчи, судя ва шунга ўхшаш касб ва бу касбда фаолият кўрсатаётган кишилар.

Тўртинчидан, бирор-бир касбнинг ташқи кўриниши, яъни ушбу касб ҳақидаги юзаки гаплар ёшларни чалғитади. Аслини олганда, бу касбни танлаётган ўсмир касбнинг оғир, машаққатли томонларидан хабардор бўлмайди ва кейинчалик ўз касбидан бутун умр нолиб юради ёки ташлаб кетади.

*Бешинчидан, ёшлар кўпинча касб танлашда бошқаларнинг, ўртоқларининг, кўпчиликнинг қилганини қилишга интилишади.

Айна ҳолда яна бир аниқлик киритадиган томони шундаки, ўсмирларнинг ҳаммаси ҳам ўзлари танлаган касб учун ўзларида етарли қобилият, жисмоний, ижтимоий, ақлий ва бошқа имкониятлар борлигини яхши билишмайди.

Шундай экан, ёшларни касбга йўналтиришда ўқитувчи, педагог, тарбиячи ва ота-оналар фақатгина касб-хунар ва унинг романтик томонларинигина макташга эмас, авваломбори шахснинг ўз мойиллигини аниқлаш, унинг шахсий имкониятларини кенгроқ ёритиш ва айнан шуларга таяниб касб-хунар танлаш кераклигини тушунтира билишга эътибор беришлари лозим.

Маҳмуд Йўлдошев,
психология фанлари номзоди

Касб-хунар коллежларини битирган ёшлар меҳнат бозорида ўз ўринларини топишида ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Ана шундай меъёрий ҳужжатларнинг энг муҳимларидан бири "Ўрта махсус, касб-хунар таълимидаги тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар таснифлагичи" ҳисобланади.

Маълумки, таснифлагич таълим тизимида энг муҳим ҳужжат ҳисобланади. Унинг асосида таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлари тузилади. Бундан ташқари, таълим муассасасини тугатган битирувчининг дипломида тайёрлов йўналиши ва ихтисослиги кўрсатилади ва бу меҳнат бозорида ёш кадрнинг ишга жойлашишида қийинчилик туғдирмайди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилингандан то шу кунгача таснифлагичнинг уч авлоди яратилди. Бу ҳужжат давр талаби билан доимий равишда такомиллаштирилиб борилмоқда. Унинг барча варианты республика вазирликлари, қўмиталари, корпорация ва давлат идоралари томонидан тақриздан

КАСБЛАР ТАСНИФЛАГИЧИ

у халқаро доирада
муҳокама қилинди

ўтказилиб, тақлиф ва мулоҳазалар асосида такомиллаштирилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу муҳим ҳужжатнинг учинчи авлоди олдингиларидан фарқли ўлароқ, халқаро тажрибалар асосида яратилди. Таснифлагични муҳокама қилиш учун Европа таълим фондига тақлиф киритилди ва у ижобий қабул қилинди. Жорий йилнинг июль ойида Европа таълим фондининг Марказий Осиё бўйича координатори Генрих Фаудель, халқаро эксперт Питер Грутинг, Белоруссия ва украиналик экспертлар, Ўзбекистон томонидан эса, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва бизнес институтимиз вакиллари томонидан таснифлагичнинг янги авлоди муҳокама қилинди. Бу семинарнинг якуний қисми яқинда Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида ишчи вазиятда муҳокама қилинди. Унда ишчи гуруҳнинг барча аъзолари иштирок этди.

Европа таълим фондининг халқаро эксперти Питер Грутингнинг таъкидлашича, ҳозирги глобализация жараёни содир бўлаётган бир пайтда, Европа Иттифоқига аъзо бўлган 29 та давлат бу сингари ҳужжат тайёрлаш ва уни ҳаётга татбиқ қилишда ўзаро ҳамкорликка жиддий эътибор бериб келмоқда. Шунинг учун ҳам бугун мамлакатларо ягона таснифлагич яратиш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу мақсадда ҳар бир мамлакатда мавжуд миллий таснифлашдан халқаро таснифлашга ўтилмоқда. Айна пайтда миллий таснифлашдан Европа халқаро таснифлашга ўтишда халқаро таснифлаш, халқаро стандартларга асосланиш ва Европа Иттифоқи учун таснифлаш ҳисобга олинмоқда. Бундай катта ҳажмдаги ишлар, аввало, статистик маълумотлар йиғиш, уларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, табақаларга бўлиш, халқаро даражага чиқариш сингари ўта масъулият талаб қиладиган илмий тадқиқотни ўзида акс эттирмоқда. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда яратилган касблар таснифлагичида ҳам миллий анъаналар, мамлакатнинг ўзига хослиги сингари жиҳатлар билан бирга халқаро тажрибаларни ҳам инобатга олиш кўзда тутилмоқда.

А.ИКРОМОВ,
ЎМКХТ тизими кадрлари
малакасини ошириш ва уларни қайта
тайёрлаш институти ректори, профессор

Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича олимпиадалари иккинчи (туман) босқичини ўтказиш юзасидан тавсиялар

Умумтаълим фанлари бўйича ўқувчилар олимпиадасининг биринчи (мактаб) босқичини ўтказиш юзасидан методик тавсиялар ва баҳолаш мезонлари газетанинг 2004 йил 9 октябрь сонидан ёритилган эди. Бугунги саҳифада фан олимпиадасининг иккинчи (туман) босқичини ўтказиш бўйича методик тавсиялар берилмоқда.

Олимпиаданинг туман босқичида мактаб олимпиадасидан фарқли равишда фақат 9-10 ва 11-синф

ўқувчилари иштирок этадилар. Иштирокчилар мактаб фан олимпиадасида энг камида 76 ва ундан юқори балл тўплаган ва биринчи ўринни эгаллаган бўлишлари шарт.

Туман олимпиадасида қатнашиш учун ташкилий кўмитага куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Фолибликни тасдиқловчи мактаб педагогика кенгашининг қароридан кўчирма.
2. Фолиб ўқувчининг мактаб олимпиадасида ба-

жарган ишининг асл нусхаси (иш барча ҳакамлар ҳайъати томонидан имзоланган бўлиши шарт).

3. Паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси (копия).

Ҳужжатлар туман олимпиадаси бошланишидан камида 10 кун олдин тақдим этилади. Кўрсатилган муддатдан кечиккан мактабларнинг ҳужжатлари қабул қилинмайди.

Туман олимпиадаси куйидаги фанлар бўйича ўтказилади:

№	Фанлар	Ўтказиш турлари
1	Она тили ва адабиёт	Ёзма иш Тест синови Оғзаки суҳбат
2	Ўзбек тили ва адабиёти (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда)	Ёзма иш Тест синови Оғзаки суҳбат
3	Рус тили ва адабиёти (ўзбек ва бошқа тилларда ўқитиладиган мактабларда)	Ёзма иш Тест синови Оғзаки суҳбат
4	Рус тили ва адабиёти	Ёзма иш Тест синови Оғзаки суҳбат
5	Қозоқ тили ва адабиёти	Ёзма иш Тест синови Оғзаки суҳбат
6	Тожиқ тили ва адабиёти	Ёзма иш Тест синови Оғзаки суҳбат
7	Инглиз тили	Эссе ёзиш Тест синови Оғзаки суҳбат
8	Француз тили	Эссе ёзиш Тест синови Оғзаки суҳбат

9	Немис тили	Эссе ёзиш Тест синови Оғзаки суҳбат
10	Математика	Ёзма иш Тест синови
11	Физика	Ёзма иш Тест синови Лаборатория иши
12	Биология	Ёзма иш Тест синови Лаборатория иши
13	Кимё	Ёзма иш Тест синови Лаборатория иши
14	География	Амалий иш Тест синови
15	Информатика ва ЭҲМ	Амалий (дастур тузиш) Тест синови
16	Чизмачилик	Амалий график усул Тест синови
17	Ҳуқуқшунослик	Мустақил иш Тест синови
18	Тарих	Мустақил иш Тест синови
19	Иқтисодий билим асослари	Ёзма иш Тест синови
20	Она тили ва адабиёт (махсус мактаб-интернатларда)	Ёзма иш Тест синови
21	Математика (махсус мактаб-интернатларда)	Ёзма иш Тест синови

Олимпиада ўтказиш учун синов материаллари вилоят ташкилий кўмитаси томонидан тайёрланади ва олимпиада ўтказиладиган куни махфийлиги таъминланган ҳолда жойларга етказилади. Бунинг учун вилоят ташкилий кўмитасининг махсус қарори билан туманларга масъул вакиллар юборилади.

Фан олимпиадаларининг иккинчи босқичи бевоқифа туманларда, декабрь ойида ўтказилади. Ўқувчиларга бир фандан ўз имкониятларини синаб кўришлари учун тегишли шароит яратилади.

Туман олимпиадасини ўтказиш учун ташкилий кўмитага туман ХТБ муdiri раислик қилади. Кўмита аъзолари 5-7 кишидан иборат бўлиши лозим. Туман халқ таълими бўлими буйруғи асосида тадбирлар режаси тузилади, харажатлар сметаси тасдиқланади ҳамда вазифалар тақсимланади. Ҳакамлар ҳайъати ва экспертлар гуруҳи буйруқ билан тасдиқланади. Бунда иложи борича ҳакамлар ҳайъати таркибини шакллантиришда кўшни туман билан ўзаро мутахассис алмашиш тажрибасини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Туман олимпиадаси жадвали тасдиқланиб, кўринарли жойга, олимпиада ўтказилишидан камида 10 кун олдин осиб қўйилади. Нусхаси назорат учун вилоят халқ таълими бошқармисига топширилади.

Ўқувчиларнинг ёзма ва ижодий ишлари учун олдиндан штамп босилган дафтарлар (варақлар) ва ватманлар тайёрлаб қўйилади.

Куйида олимпиада натижалари расмийлаштирилган иш қоғозлари намунаси келтирилади (1, 2, 3 — иловалар).

Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича олимпиадалари иккинчи (туман) босқичини ўтказиш юзасидан методик тавсияга

1-ИЛОВА

_____ туманида _____ фани бўйича ўтказилган II босқич туман олимпиадаси голибининг вилоят III босқич олимпиадасида иштирок этиш учун

БУЮРТМА

Туман ҳакамлар ҳайъатининг қарорига кўра, вилоят олимпиадаси босқичида қатнашиш учун куйидаги ўқувчи юборилади.

№	Қатнашувчининг фамилияси, исми, отасининг исми (тўлиқ)	Мактаб ва манзили	Синфи	Қайси тилда ўқийди	Тўплаган бали	Ўқитувчининг фамилияси, исми, отасининг исми (тўлиқ)
1		Шаҳар, қишлоқ				

Команда раҳбари _____
(Фамилияси, исми, отасининг исми)

(Мансаби ва иш жойи)

Ташкилий кўмита раиси _____
Котиб (а) _____
Мухр _____

Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича олимпиадалари иккинчи (туман) босқичини ўтказиш юзасидан методик тавсияга

2-ИЛОВА

_____ туманида _____ фанидан ўтказилган олимпиада тўғрисида

ХИСОБОТ

1. Мактаб олимпиадаларида жами _____ ўқувчи қатнашди, шу жумладан қишлоқ мактаби ўқувчилари сони _____
2. Туман олимпиадаларида _____ ўқувчи қатнашди, шу жумладан қишлоқ мактаби ўқувчилари сони _____ шаҳар ўқувчилари _____

Олимпиаданинг II босқичида 1,2,3- ўринни эгаллаган голиблар (9,10,11-синф)

№	Ўқувчиларнинг фамилияси, исми, отасининг исми (тўлиқ)	Мактаб	Туман, шаҳар	Синф	Қайси тилда ўқийди	Эгаллаган ўрни	Ўқитувчисининг исми-шарифи, отасининг исми (тўлиқ)
1							
2							
3							

Ҳакамлар ҳайъати раиси:
Ҳакамлар ҳайъати аъзолари (барчаси):
Ташкилий кўмита раиси:

Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича олимпиадалари иккинчи (туман) босқичини ўтказиш юзасидан методик тавсияга

3-ИЛОВА

_____ туманида _____ фанидан

2004 йил «_____» декабрда ўтказилган II босқич олимпиадаси ҳақида 1-сон

ҚАРОРИ

Қатнашдилар _____

ҳакамлар ҳайъати II босқич олимпиадасида 9-10-11-синф ўқувчиларининг эришган натижаларини кўриб чиқиб, туман олимпиадасини куйидагича яқунлашга қарор қилди:

№	Иштирокчиларнинг фамилияси, исми, отасининг исми	Туман (шаҳар)	Мактаб	Ўқиш тили	Тўплаган бали	Эгаллаган ўрни	Ўқитувчининг фамилияси, исми (тўлиқ)
1							
2							
3							
4							
5							
6							
7							
8							
9							
10							
...							

Ҳакамлар ҳайъати раиси: _____

Ҳакамлар ҳайъати аъзолари: 1 _____

2 _____

3 _____

4 _____

Академия, аслида нима?

Машхур қирғиз адиби Чингиз Айтматовнинг «Бўтакўз» қиссаси бош қахрамони Камолга дўстлари «академик» деб лақаб қўйишган. Бу ҳақда Камол: «Бунга ўзим айбдорман. Кўнглимдагини яшира олмайман, худди ёш боладек ўз-ўзимга гапириб, хаёлларга берилиб кетаман, кейин одамлар мендан кулиб юришади» дейди. Унга ана шу лақабни қўйган Абубакирнинг иддосини эслаб кўрайлик: «Унинг олимлигини бошимга урамани, тош ҳайкалларнинг сирини билса билибди-да, нима бўпти?».

Академик бўлиш олимликнинг энг юқори даражаси эканлигига ишорани адиб моҳирона тасвирлай олган. Аслида Камол ўқимаган, чўлқувар бўлиб, Анорхой даштларида ўз ризку насибасини териб юрган йигит. Камолнинг хиёл одамовилиги, хаёлпарастлиги, бошқалардан кўра билимдонроқ эканлигини сезган жўрайўлдошлари кесатиб, унга «академик» лақабини ёпиштиришади.

Маълум соҳани изчил ўрганиб, «ёриб» чиққан, ҳар қандай баҳсу мунозарада ўша мавзу бўйича рад этиб бўлмайдиган фикрларни ўртага ташловчи ва ҳамisha давраларнинг тўрини банд қилувчи айрим тоифадаги муҳтарам ва бообрў кишилар борки, ҳамма ҳам уларнинг даражасига эриша олмайди. Бу академиклардир. «Академик» сўзининг инсоният томонидан муомалага киритилиши Қадимги Греция давлатидаги эрализга қадар бўлган IV асрларга бориб тақалади ва у ўша пайтда «философлар мактаби» маъносини англатган. Греklarнинг буюк файласуфи Афлотун асос солган бу мактаб, табиийки, энг новатор ва келажакни ёрқин кўришга ёрдам берувчи ғоялар учун куррашган эди. Ҳозирги вақтга келиб, «академик», «академия» атамалари ҳар қандай соҳанинг чуқурлашган ва энг такомиллашган маъносини англатиши барчага маълум бўлиб қолди. Ана шу даражани забт этган кишилар эса санокли. Чунки унга қадар бўлган машаққатлар сўнгсиз, чигал ва мураккаб бўлиб, камдан-кам кишиларгина бунинг уддасидан чиқади. Бунга, аввало, фан доктори, профессор илмий даражасини қўлга киритган, ўзининг илмий мактабини яратишга муваффақ бўлган, кўплаб фан номзоди ва докторлари тайёрлаган, фундаментал илмий тадқиқотларга муаллифлик қилган, ўқув жараёни учун бир нечта дарслик ва қўлланмалар яратган кишиларгина муясар бўладилар.

Мактабдан кейинги академик таълим

Дунёдаги ривожланган давлатлар таълим тизимидан кириб келган академик лицейларнинг мамлакатимиздаги фаолияти миллий дастур билан мустаҳкамлаб қўйилган. Улар умумий ўрта таълимдан кейинги бўғин сифатида кўпчиликнинг онги ва тушунчасига сингиб бўлди. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда академик лицей мақомига эга таълим даргоҳлари 66 та бўлиб, улар тегишли олий таълим муассасалари қошида иш юритишапти. Табиийки, академик лицейлар фаолияти уларнинг ўзигагина тааллуқли бўлган мезъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар — Низом, давлат таълим стандартлари, намунавий ўқув-режа ҳамда дастурлари билан тартибга солинади. 9-синфни тугатгач, битирувчиларнинг олдида иккита таълим даргоҳи туради: бири касб-хунар коллежи, иккинчиси академик лицей. Танлаш эса ихтиёрий. Касб-хунар коллежларида ўқиш муддати уч йил. Бирор хунарни эгаллаб, олий ўқув юртига кириб ўқишни истаган ёшлар амалда нисбатан кўпроқ кузатишмоқда. Мабодо у институт ёки университетга киролмаган тақдирда ҳам қўлида дипломи борлигини билади ва ўз касби бўйича ишлаш ҳуқуқига эга. Академик лицейнинг талаби эса бошқачорак, унда ўқувчи уч йил таълим олиши керак, талабалик бахтига эришса, нур устига нур. Мабодо акси бўлса, бола маълум касблар бўйича эмас, идоравий кичик лавозимлардагина ишлаш ҳуқуқига эга бўлади. Иккала таълим маскани ҳам ёшларни ҳаётга тайёрлашда муҳим босқич ҳисобланса-да, биз академик лицейдаги имкониятлар, унинг умумий ўрта таълим мактабларидан фарқли бўлган жиҳатлари ва бу ерга қабул қилиниш, таълимнинг ички мазмуни қандай қилиб ўқувчиларнинг кўп, мукамал ва чуқур билим эгаллашларига йўналтирилиши хусусида фикр юритишга жазм айлаб, Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Мирзо Улуғбек академик лицейини танаддик.

Қабул тартиби қандай?

Ўқув йили тугаши билан ҳар бир академик лицейда бўлгани каби бу ерда ҳам битирувчилар ўрнини тўлдириш мақсадида қабул жараёни бошланади. Кўпинча илм-фан билан шуғулланишга мойиллиги кучли бўлган ўқувчилар олис вилоятлардан бўлса-да, академик лицейни сўраб-суриштириб, топиб келадилар. Лицейга ҳужжатлар қабули 31 июлга қадар давом этиб, синов жараёни август ойининг бошига тўғри келади. Ўқувчининг билим даражасини синаш икки босқичда олиб борилади. Биринчиси, ижодий ёзма иш бўлиб, бунда болага белгиланган максимал балл 10/10, яъни 20 баллик тизимни ташкил қилиши керак. Албатта, ҳамма ўқувчининг дунёқараши, билим даражаси бир хил эмаслиги нуқтаи назаридан қаралганда, айримлар 15, 16 ёки 17 балл тўплаши кузатилади. Иккинчи босқичга қўйилган талаб юқорироқ, яъни ўқувчининг мактаб дастурини қанчалик ўзлаштирилганлиги математика, физика, биология, кимё, инглиз тили, тил-адабиёт фанлари бўйи-

та, иккинчи курсда 17 та ва 3-курсда ҳам шунча фан ўқув режасидан жой олган. Дарслар мактабдаги сингари 45 минутдан эмас, балки 80 минутдан ташкил қилинади. Тажрибада шу нарса кузатишганки, 45 минутлик дарсда ўқитувчи кўп нарсага улгура олмайди. Болалар билан саломлашиш, йўқлама, ўтган мавзунни такрорлаш ҳам вақт «ўғирлайди». Натижада у синфдаги барча болаларнинг ўзлаштиришларини назорат қилишга қийналади. Шу жиҳатдан олганда, академик лицейларда 80 минутлик дарсларнинг жорий қилиниши ҳар жиҳатдан мақсадга эришишни таъминлайди. Биринчидан, ўсмир ёшидаги болалар сабр-тоқатга ўрганади. Қолаверса, дарс мавзусини чуқур ўзлаштиришда бу жуда катта имкониятдир. Агар ҳар бир гуруҳда 24 нафар бола бўлса, улар яна 12 нафардан кичик гуруҳларга бўлиниши ўқувчига кенг имконият яратади. Уларда репетиторнинг пуллик хизматига эҳтиёж сезилмайди. Бунга ҳар йили ўқувчиларимизнинг олий ўқув юртларига 81—85 фоизи талабалар қабул қилинаётганлиги ҳам исботлайди.

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ:

у мактабдан қайси жиҳатлари билан фарқланади?

ча компьютерда синаб кўрилади. Компьютердаги тест саволларига тўғри жавобларни аниқлаган ўқувчи энг юқори—80 баллик натижани қўлга киритишга муваффақ бўлиши керак. Ҳар иккала босқичда даъвогарларнинг натижалари ҳар хил бўлиб, ижодий ёзма ишда юқори балл тўплай олмаган бола тест синовларини қўйилмақом бажариши мумкин. Умуман, 55—60 баллик натижалар ҳам қайд қилинади. Агарки, даъвогарлар қабул режасидан кўпроқ бўлса, улар натижаларига кўра юқоридан пастга қараб сараланади ва белгиланган рақамда тўхталади. Агар ариза топширганлар режадан камроқ бўлса, табиийки, ўринлар бўш қолдирилмаслиги учун энг паст натижалар болалар ҳам бу ерда ўқиш ҳуқуқига эга бўлишади.

Мирзо Улуғбек академик лицейи Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1999 йил 30 августдаги 162-сонли буйруғига асосан ташкил этилган бўлиб, ўқувчиларга аниқ ҳамда ижтимоий-гуманитар йўналишдаги фанлар бўйича чуқур билим берилади. Айни пайтда лицей 324 нафар ўқувчини ўз бағрига олган уларга чуқурлаштирилган дастур асосида билим берилмоқда.

Ички мазмун — бирламчи

Мактабдан лицейга келган ўқувчиларнинг аксариятида битта ўхшашлик учрашини ўқитувчилар кўп бора кузатишган. Бу ҳам бўлса, иқтидор, уларнинг ўзга тенгқурларида кузатилавермайдиган истеъдод, илм-фаннинг чексиз, тубсиз олами сари интилиш туйғусидир. Шундай бўлгач, уларга зарурий шарт-шароит яратиш, истеъдодларини юзага чиқариш ҳар қандай академик лицейдаги асосий муҳитга айланмоғи керак. Ҳикоя қилинаётган лицейнинг ички мазмуни қандай экан, деган саволга жавоб излашга уриниб кўрайлик. Ҳарқалай таълим жараёнида бевосита иштирок этаётган кишиларга мурожаат қилиб, уларнинг фикрлари асосида хулоса ясаб, мақсадга мувофиқ бўларди. Директорнинг ўқув ишлари бўйича муовини Нодира Умарова академик лицейдаги ўқув жараёнини чуқур ва батафсил таърифлаб беришга интилади:

— Уч йиллик таълим мобайнида биринчи, иккинчи, учинчи курслар бир-биридан фарқли равишда ўқитилади. 1-курсда 16

Ўқувчилар академик лицейлар учун яратилган дарсликлардан фойдаланишмоқда. Ҳар бир фан бўйича ўқув дастурлари мавжуд бўлиб, ўқитувчилар ана шу дастур бўйича йиллик режа тузади. Дастурда ҳар бир фан учун мавзулар берилган ва ўқитувчининг бунда нималарни қамраб олиши, ўқувчи эгаллаши керак бўлган мезонлар кўрсатилган. Чуқурлаштирилган фанлар — алгебра, физика, информатика бўйича ҳам ўқув дастурлари мавжуд бўлиб, шу асосда мавзулар соатларга бўлинган. Ҳар кунги дарслар 3 ёки 4 пара, ҳафталик дарс соатлари жисмоний тарбия машғулотлари билан қўшиб ҳисоблаганда, 40 соатни ташкил қилади.

1-курсдан то сўнгги курсни битиргунга қадар бўлган уч ўқув йилида ўқувчининг билими икки марталик семестрларда синаб борилади. Баҳолаш «5» баллик тизимда. Биринчи семестр 2 сентябрдан 30 декабрга қадар давом этиб, унинг натижалари бошланғич, оралик ва якуний назоратда акс этади. Бошланғич назорат ўқув йилининг аввалида ҳар бир фан бўйича ёзма шаклда олинади. 17 ҳафталик муддат давомида ўқувчилар ҳар 45 кунда бирор катта бобдаги мавзулар ўтилганда оралик назорат топширадилар. Назорат тест, ёзма ёки лаборатория иши шаклида олинади. Агар ўқувчи маълум сабабга кўра оралик назоратни топшира олмай қолса, унга қайта топшириш учун имкон берилади. Бир семестрда икки марта оралик ва якуний назорат ўтказилади. ОН натижалари алоҳида фанлар ва гуруҳлар бўйича таҳлил қилиниб, педагогик кенгашда муҳокама этилади. Гуруҳларнинг билим кўрсаткичларини гистограмма шаклида рейтинг тахтасига осиб қўямиз. Иккинчи семестр ҳам худди шу тартибда бўлиб, 12 январдан 1 июнга қадар давом этади.

Нодира Умарова таъкидлаганидек, чуқурлаштирилган таълимни амалга оширишдан кўзланган мақсад, ўқувчи учун номаълум бўлган мавзуларни унга тўлақонли етказишдан иборат. Бунинг учун сентябрдан июнь ойигача бўлган даврда ҳар бир ўқитувчи, ҳар бир дарслик, ҳар бир дарс, таъбир жоиз бўлса, ҳар бир кун хизмат қилади. Қўшимча имкониятлар ҳам ахтарилади. Дарснинг турлича шакллари, янги педагогик технологиялар, тарбиявий ишларнинг хилма-хил методларига муро-

Tahlil

жаат қилинади. Ҳаммаси узвий, бирисиз иккинчисини ижро этиш қийин, иккинчи бир вазифа эса учинчисининг бажарилишини талаб қилади.

«Кичик академия»нинг «ёш олимлари»

Мақоламизнинг бошланиш қисмида академик лицейда ўқишга, одатда, илм-фан билан шуғулланишга лаёқатли бўлган ёшлар ўқишга даъвогар бўлишини таъкидлаган эдик. Ёшларни бунга тайёрлаш ҳам муҳтарам ўқитувчиларимиз гарданига тушади. Бунга қандай шаклда, қачон амалга оширишининг асло аҳамияти йўқ. Мирзо Улуғбек академик лицейида кичик академия 2000 йилдан ўз фаолиятини бошлаган бўлса, ҳозирги пайтда у ўз иш услуби ҳамда шакли шамойилини топишга улгурди. Академияга фақат илмий мавзу устида тадқиқот олиб боришга хоҳиш-иродаси бўлган, аълочи, иқтидорли болалар танлаб олинади. Ўқув йили бошида ҳар бир ўқитувчи томонидан тақдим қилинган эркин мавзулар устидаги изланишлар узоқ давом этади ва тайёр бўлгач, ҳимояга қўйилади. Кичик академия раиси, физика-математика фанлари номзоди Доно Асроқуловнинг таъкидлашича, айни пайтда академиянинг 16 нафар ёш тадқиқотчиси аниқ ва ижтимоий-гуманитар йўналишдаги фанлар бўйича бир-биридан қизиқарли, амалиёт билан боғлиқ мавзулар устида изланиш олиб боришмоқда. Улар мавзунини атрофлича ўрганиш учун қўшимча адабиётлардан, бошқа илмий ҳамда ахборот манбаларидан фойдаланишади. Кичик академиядаги жараёни таълим мазмуни яна ҳам чуқурлаштириш учун бир уриниш деб баҳолаш керак. Умид борки, кичик тадқиқотга қўл урган ўқувчи келгусида глобал муаммоларни ўрганишдан чўчимайди, бу унинг учун ўзига хос машқ майдони бўлади.

Пасту баландни ким билади?

Ташқаридан туриб кузатган кишига ҳар қандай таълим даргоҳида сокин бир манзара ҳукм сураётгандек туюлади. Асосий диққат-эътибор ўқувчи ва талабаларнинг ўқув дастурларини пухта ўзлаштиришларига қаратилади ва маълум маънода бунинг уддасидан ҳам чиқилади. Айни пайтда таълим сифатига ҳалақит берувчи, ҳал қилиниши галга солинадиган майда-чуйда муаммолар фақат ичкаридагиларга маълум бўлади. Раҳбарият уларнинг ечимига қийналади, мутасаддиларга кўз тикади. Академик лицей директори Роза Бўронова бу ердаги таълим жараёни бир маромда кетаётганини таъкидлар экан, ўзини қийнаётган айрим муаммоларни минг бир истиҳола билан тўкиб солди:

— Кутубхонамиз умумий. Қироатхона алоҳида бўлса дейман, электрон кутубхонага эга бўлсак, ўқувчилар учун билим олиш имкониятлари яна ҳам кенгаярди. Телемарказ очиб режамизда бор. Спорт залига эгамиз-у, очик майдонга муҳтожмиз. Ҳозирча ён қўшни—жон қўшни 49-мактабнинг очик спорт майдонидан фойдаланиб турибмиз. Булар — ўзимизга боглиқ бўлмаган муаммолар. Яқин йиллар ичида университет маъмурияти орқали ҳал бўлиб қолишига ишонамиз.

Хулоса

Алқисса, ёзганларимиз бир манзил ҳақида бўлгани билан, уни барча академик лицейларга хос кўриниш деб умумлаштиришмоқчимиз. Фақат улар айрим жиҳатлари билангина фарқланади, масалан, йўналиши, манзили, жамоавий таркиби. Энг муҳими, академик лицейни, 9-синфдан кейин ўқишни қаерда давом эттирсам экан, деган уйдаги ўсмир-ёшларнинг ҳаммаси ҳам танлайвермайди. Айримлар икки йил мактабда ўқишини давом эттириб, репетитор ёллаган ҳолда олий ўқув юртига кириш учун тадорик кўради. Баъзи ёшлар касб-хунар коллежга йўл олади. Лекин ҳар қандай иккилангани йиғиштириб, академик лицей таълимини олишга азму қарор қилган ёшлар ҳам кўплаб топилади ва улар бугунги кунда шундай даргоҳларни тўлдириб туришибди. Уларнинг сони йилдан-йилга кўпайиб боришини истаб қоламиз.

Хулкар ТҶИМАНОВА,
«Ma'rifat»нинг махсус муҳбири

Ўзбек мумтоз адабиёти туганмас хазина. Унга назар ташлаганингиз сари хилма-хил жавохирлар кўзингизни олиб, қалбингизни қувната-веради.

Шундай маънавий жавохирлардан бири аллома ижодкор Сўфи Оллоёрнинг "Саботул ожизин" манзума-сидир. Манзума назмий йўлда ёзилган бўлиб, 74 бобдан иборат. Ундаги кичик-кичик шеъринг хикояларда суликнинг тасаввуф йўлида камолотга эришиш босқичлари ҳамда тасаввуф амаллари баён этилган.

Шу билан биргаликда асар тилшунослик нуқтаи назардан қараганда ҳам бекиёс жавохирдир. Манзумада Сўфи Оллоёр шаклдош сўзлар – омонимларга катта эътибор берган бўлиб, ниҳоятда гўзал сўз ўйинлари ҳосил қилганки, биз куйида уларнинг баъзиларига тўхталиб ўтамиз. Жумладан, "амал" сўзи Сўфи Оллоёр қаламида куйидагича жилоланади:

**Насиб этса бихишт ўз
фазлидур бил,
Амалга иттико қилмай,
амал қил.**

Юқоридаги байтдаги 1-ўринда "амал" — мансаб, лавозим, маъносида, 2-ўриндаги "амал" эса иш, аъмол маъносидадир. Ёки:

**Кўноқмиз бир кеча
дунёи ҳеча,
Не ишлар кечадур
биздин бу кеча.**

Юқоридаги банднинг 1-сатридаги "кеча" сўзи тун маъносида, 2-сатрда эса "кечмоқ" — ўтмоқ маъносида ишлатилган.

Сўфи Оллоёр байтлари ниҳоятда ўйноқи ва халқ дилига яқин сўзлардан, иборалардан иборат.

**Ёшинг ўтган сари
феълинг сани ёш,
Кўзинг ёши қани эй
мағзи йўқ бош.**

Бунда "ақл ёшда" деган халқ ҳикмати муносабат билдириш билан бирга, гўзал сўз ўйини ҳосил қилинапти. Яъни, 1-ўринда ёш инсон ёши, 2-ўринда эса ёшлик маъносида ва 3-ўринда кўз ёши маъносида ишлатилаяпти.

Сўфи Оллоёр байтлари нафақат халқчиллиги билан, балки қисқа сатрларда катта маъно, ҳикмат мужассамлиги билан ҳам эътиборга моликдир:

**Бу кунни туш била туш
қилма эй ҳам,**

Яхши шеър бир ўқилгандаёқ ёдда қолади. Шу нуқтаи назардан қараганда ҳам Сўфи Оллоёр сатрлари равон ва гўзалки, уни ўқиган ўқувчи ҳеч қаерда тугилмайди.

Сўфи Оллоёрнинг асарлари асосан панд-насихатдан иборат. Лекин унинг ушбу панднамо сатрлари кишига оғир ботмайди, балки ўзининг ҳаққонийлик зиёси билан ўқувчи қалбини ёруғликка, нурга чулғайди:

**Тамаъ нониға лаб очгун-
ча ул оч,**

**Таваккул ганжидин,
эй юз ўгургон,
Буюрғонга муҳолифдир
бу юргон.**

"Буюрғон" сўзи эса бу ерда "бу юргон" сўз бирикмаси билан гўё омоним ҳосил қилаяпти.

Куйида эса ўттиз, эллик, етмиш, саксон, тўқсон сўзларига нисбат берилиб, гўзал сўз ўйинлари яратилган:

**Кўяр кажликка доим
нафси бадюз,
Қачон ўт туз ёнар ёлбор-
санг ўттуз.**

«НЕ ИШЛАР КЕЧАДИР БИЗДИН БУ КЕЧА...»

Сўфи Оллоёрнинг "Саботул Ожизин" асарида сўз ўйинлари

Баён этмак била қолганини шам.

Бунда муаллиф ўқувчига (кўнгил сохибига) "Бу кунни туш кўриб, яъни уйку билан туш пайтига-пешинга еткизма, ўша тушни баён қилиб, кунни кеч қилма" деяпти.

Асар XVIII асрда ёзилганлигига қарамасдан, унда тушунарсиз сўзлар жуда кам. Уни нафақат илм аҳли, балки оддий ўқувчи ҳам агар дилда иштиёқ бўлса, бемалол тушуниб мутолаа қилиши мумкин.

**Ҳали улдур чиқарса
мосувони,
Ҳаводандур талаб
қилмоқ ҳавони.**

Яъни: авлиё деб юракдан ортиқча ҳисларни чиқарган кишига айтилувчи ва ҳавони, яъни кибри, манманликни талаб қилмоқ ҳаводан-елдан, шамолдан, яъниким, йўқликдандир.

**Тамаъ бўйи кўринмай
бўйидан қоч.**

Бу бандда икки сўз омоним шаклида келаяпти. Яъни "оч" сўзи биринчи ўринда очмоқ феъли маъносида, иккинчи ўринда қорни оч, очиққан маъносида, "бўйи" сўзи эса биринчи ўринда "қаддиқомат" ва иккинчи ўринда хид, ифор маъносида қўлланган.

Манзумада омонимлар билан бир қаторда сўз ўйинларига ҳам катта эътибор берилган, аниқроғи муаллиф сўзлардан заргарона фойдаланган:

**Тилим узр айтғали, эй
кошифи роз,
Тилимни минг тилим
қилсам эзур оз.**

Бу ерда тил сўзи биринчи ўринда инсон аъзоси, иккинчи ўринда эса "тилмоқ" "тилимламоқ" феъли маъносида қўлланилган.

Ёки:
**Эзур нафсинг думоғи
турфа еллик,
Қачон эллик қилур,
ёлборсанг эллик.**

Биринчи ўринда эллик-дўстлик, одамгарчилик, иккинчи ўринда сон маъносида қўлланилган.

Сўфи Оллоёрнинг "Саботул ожизин" мажмуасида нафақат ўзбекча, балки форсча, ҳамда форсча-ўзбекча сўзлардан ҳам гўзал сўз ўйинлари ҳосил қилинган.

Жумладан:
**Тўлиб шоҳ илкина бози
қочар боз,
Бўлур зоғларга бози эй,
сафарбоз.**

Юқоридаги бандда биринчи ўринда "боз" форсча қуш ва иккинчи маънода яна богловчиси ўрнида қўлланилган. Учинчи ўриндаги "сафарбоз"да эса сафар қилувчи, сафарга иштиёқли маъносида келган.

Mutolaa

Энди форсча-ўзбекча сўз ўйинларидан мисол келтирсак.

**Ду олам нори бўлса,
нори кетсун,
Кўзунг кўрмаса шум
дийдори кутсун.**

Бу ерда "нори" сўзи форсча "олов-ўт" маъносида, иккинчи ўринда ўзбекча "нори" равиш бўлиб келмоқда.

Ушбу асарда паронимлардан, яъни шакли бир-бирига яқин, маъноси ўзгача сўзлардан ҳам моҳирона фойдаланиб, сўз ўйинлари яратилган. Масалан:

**Ёронлар айди ул
покиза халқа,
На бўлғай эрди амр
этсанг бу халқа.**

Ушбу байтда "халқа" сўзи бу-авлодлар халқаси, яъни инсон, иккинчи ўринда эса халқа-халқга, яъни "одамларга" маъноларида ишлатилаяпти.

Сўфи Оллоёрни ҳақли равишда ўзбек мумтоз ижодкорлари қаторига қўшамиз. Юқорида унинг "Саботул ожизин" манзумасидаги омонимлар, паронимлар ва сўз ўйинларининг баъзиларига тўхталдик, холос. Асардаги маъно, мажозий тасвирлар, тил гўзаллиги эса алоҳида мақола-ю рисолаларга мавзу бўлишга арzigulik маҳорат самарасидир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бундай рисолалар, манзумалар мумтоз адабиётимиз хазинасида бисёр. Фақат биз бу жавохирларни қалб мулкига айлантиришимиз ва келажак авлодларни баҳраманд этмоғимиз керак.

**Зухра МАМАДАЛИЕВА,
Жиззах шаҳар Зулфия
номидаги Ёш ижодкорлар
уйи "Ёш қаламкашлар"
тўғараги раҳбари**

ҲИДОЯТ ОЙИ

Оллоҳнинг қудрати ила Ер юзини нурлантирувчи, неча-неча очик қалбларга ҳидоят нурларини янада кўпроқ ва хўброқ индирувчи ой бошланапти. Ойларнинг султони — Рамазон ойида қилинган ибодатларнинг, уларга юбориладиган неъматларнинг савобини дилдан ҳис қилган бандалар ушбу айда буюк ибодатни адо этадилар. Яратган эгам бандаларига ато этган шундай улуг неъмат — имкониятга шукроналар айтадилар.

Шундай кунларга етиштирган Оллоҳга беадад шукрлар айтамыз. Яқинлашиб келаётган Рамазон ойи барчангизга муборак бўлсин!

**РЎЗА НИЯТИ
(ОФИЗ ЁПИШ) ДУОСИ**

Навайту ан асума совма шаҳри рамазона минал фажри илал мағриби, холисан лиллаҳи таъала.

Яъни: Рамазон ойининг рўзасини субҳдан кун ботгунча тутмоқликни ният қилдим. Холис Аллоҳ учун.

**ИФТОРЛИК
(ОФИЗ ОЧИШ) ДУОСИ**

Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва аълайка тавакқалту ва ъала ризқика афторту.

Яъни: Эй Аллоҳ, ушбу рўзамни фақат Сенинг учун тутдим ва Сенга имон келтирдим, Сенга тавакқал қилдим ва берган ризқинг билан ифтор қилдим.

Тошкент вақти билан тафовут (дақиқа ҳисобига):

Аввал: Андижон -13, Жамбул -2, Наманган -9, Термиз -2, Фарғона -12, Хўжанд -4, Қўқон -8, Ўш -15, Бекобод -4.


Кейин: Бухоро +16, Гулистон +1, Жиззах +4, Навоий +14, Нукус +42, Самарқанд +5, Тошқовуз +40, Туркистон +12, Урганч +37, Хива +37, Чимкент +3, Қарши +8, Денов +7.

Изоҳ: Рўзанинг бошланиши Ой кўринишига қараб бир кунга фарқ қилиши мумкин.

Рамазон кунлари	Октябрь—ноябрь	Ҳафта кунлари	Саҳарлик тугаши	Ифтор вақти	Қайд учун
1	15	ЖУМА	4:55	17:44	
2	16	Шанба	4:56	17:42	
3	17	Якшанба	4:57	17:41	
4	18	Душанба	4:58	17:39	
5	19	Сешанба	4:59	17:38	
6	20	Чоршанба	5:00	17:36	
7	21	Пайшанба	5:01	17:35	
8	22	ЖУМА	5:03	17:33	
9	23	Шанба	5:04	17:32	
10	24	Якшанба	5:05	17:31	
11	25	Душанба	5:06	17:29	
12	26	Сешанба	5:07	17:28	
13	27	Чоршанба	5:08	17:26	
14	28	Пайшанба	5:10	17:25	
15	29	ЖУМА	5:11	17:24	
16	30	Шанба	5:12	17:23	
17	31	Якшанба	5:13	17:21	
18	1	Душанба	5:14	17:20	
19	2	Сешанба	5:15	17:19	
20	3	Чоршанба	5:17	17:18	
21	4	Пайшанба	5:18	17:16	
22	5	ЖУМА	5:19	17:15	
23	6	Шанба	5:20	17:14	
24	7	Якшанба	5:22	17:13	
25	8	Душанба	5:23	17:12	
26	9	Сешанба	5:24	17:11	
27	10	Чоршанба	5:25	17:10	
28	11	Пайшанба	5:26	17:09	
29	12	ЖУМА	5:27	17:08	
30	13	Шанба	5:29	17:07	

АҚШ МУДОФАА БЮДЖЕТИ

Вакиллар палатаси конгресс ва сенат 2005 йилдаги АҚШнинг мудофаа бюджетини қабул қилди. Унга кўра, келаятган йилда АҚШ солиқ тўловларининг 445,6 млрд доллар мудофаага ажратиладиган бўлди. "Новости" ахборот агентлигининг хабар беришича, вакиллар палатасининг 359 депутати бюджетни қабул қилиш учун овоз берди. Фақатгина 14 нафар конгрессмен лойиҳага қарши чиқди.



Ҳозирда қонун лойиҳаси АҚШ президенти Жорж Буш имзосига тақдим этилган. АҚШ мудофаа вазирлиги тарқатган маълумотларга кўра, келаси йилда ҳарбийлар сони 20 минг кишига ортади. Кейинги беш йил ичида эса яна 30 мингга ортиши керак. Шу билан бирга қуруқликда ҳаракатланаётган ҳарбийлар 482,4 мингдан 502,4 минггача етиши кўзланмоқда. Денгизда ҳаракатланаётган ҳарбийлар жами 175 мингдан 178 мингга ортади. 2009 йилга бориб эса, уларнинг 184 мингга етиши мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари АҚШ ҳукумати 409,2 млн долларни собиқ Совет Иттифоқи республикаларидаги ядро қуролларини йўқ қилишга сарфлайдиган бўлди.

НЕФТНИНГ НАРХИ ОШИШИ МУМКИН


Дунё биржалари мутахассислари нефтнинг нархи янада ошиши кутилаётгани ҳақида гапирмоқда. Яқин йиллар ичида "абсолют рекорд" даражасида чиқиб олган нефтнинг бир барели Нью-Йорк биржасида 53 долларга етди. Биржа ходимларининг 73 фоизи кейинги ҳафта ҳам нефтнинг нархи кўтарилишини эътироф этишмоқда. Мутахассислар вужудга келган вазиятга баҳо бериб, ҳаммасига бўлиб ўтган тўфонларни айблашмоқда. Чунки айни шу сабабли АҚШнинг кўплаб нефть ишлаб чиқарувчи қорхоналари фаолияти тўхтаб турибди. Табиий офатлар натижасида "қора олтин"нинг нархи 20 фоизга ошиб кетди.



Мексикада эса, ҳар кеча-кундузда 500 минг барель кам нефть ишлаб чиқарилмоқда. Биржа трейдерлари яқин ҳафталаб ичида нефтнинг нархи тушиши амримаҳол, дея вазиятга баҳо беришди.

"SPIRIT" БОШҚАРУВНИ ЙЎҚОТДИ

Марс сайёрасида тадқиқот ишларини ўтказаятган "SPIRIT" марсоходи куни кеча ўз фаолиятини вақтинча тўхтатиб қўйди. Пасаденада жойлашган реактив ҳаракатлар лабораторияси тарқатган маълумотларга кўра, мослама 1 октябрдан бошлаб жойидан бир қадам ҳам силжигани йўқ. Бунга сабаб деб, унинг ўнг томон олди ва чап томон орқа электр гилдираклари шикастлангани кўрсатилмоқда.



Бундай электр моторлар марсоходнинг олди ва орқа томонларида жойлашган. Ҳозирча мутахассислар носозликнинг сабабларини ўрганмоқдалар, дея хабар беради ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги. Агарда марсоходнинг муаммолари тез орада ечилмаса, тадқиқот ишлари анчагина орқага сурилади. Бу эса катта моддий зарар келтиради.

Интернет манбалари асосида тайёрланди.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти ректорати, касаба уюшмаси кўмитаси, профессор-ўқитувчилар жамоаси «Ички назорат ва мониторинг» бўлими бошлиғи Хайрулла Шуқруллоевага келини, "Сув энергиясидан фойдаланиш ва насос станциялари" кафедраси доценти Бахтиёр Ураловга қизи **НИЛУФАРХОН**нинг бевақт вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Кения пойтахти Найроби яқинидаги Кибер шаҳарчасининг бошланғич мактаби Аянининг 1-синф ўқувчилари нима биландир банд. Ўқувчилар шундоққина полдаги гилам устига ўтириб олишган. Кимдир бўр билан доскага алланималарни ёзипти, яна аллаклар дарслик устига чўк тушган. Ўн ёшли Сильвия Акинйни доскада ўзининг янги биллиларини намойиш қилмоқда.

Яқингача ҳам Сильвия мактабга қатнамасди. Ва мактабга бормайдиган битта ўзи эмасди. Қачонки таълим учун пул тўлаш керак бўлса, энг кўп зарар кўрадиганлар камбағал оилаларнинг фарзандлари, СПИД туфайли етим қолган болалар, қиз болалар — билим олишдан қолиб кетадилар. Таълимнинг пулли шакли бошқа кўзга кўринмас чиқимлар — дарсликлар сотиб олишга, мактаб формаси, имтиҳонлар учун пул сарфлаш ва ҳатто уй юмушларини бажариш, масалан касал ота-оналарини боқиб ривожланаётган давлатларда кам таъминланган оила фарзандларини мактабга жўнатишдан тўхтаб қўяди.

Кибердаги энг хароба жой Найроби. Ота-оналар болаларини мактабга бера олмайдилар. Ўртача оиланинг бир ойлик даромади 27 АҚШ доллари. Бу пул квартира, озик-овқат, ичимлик суви, дори-дармонга сарфланади. Болаларнинг таълим олиши учун эса, ўзидан пул ортмайди.

Сильвиянинг отаси ким таклиф қилса ишлайверади. Аммо унинг ўқиши учун 133 АҚШ доллари тополмайди. 27 доллардан орттириб, мактаб формаси сотиб олиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

"Ота-онам мактабга беринглар" деганимда мени урушишди, — деб эслайди Сильвия. — Улар мактаб бу — бойлар учун, биздек кам-

бағалларга эмас, дейишди". Айниқса, ўқишга пул тўлаш Африканинг жанубидан Сахаригача бўлган худудларда энг катта муаммо. Бу ерда кўпгина болаларнинг ота-онаси СПИД туфайли дунёдан кўз юмган. Улар жуда ҳам камбағалликдан азоб чекиши билан бир қаторда, балки, доимо шу касаллик ортидан айблаш ва камситишдан ҳам озор кўрадилар.

Шундай бўлса ҳам таълим олиш бепул қилиб белгиланса, ўғил ва қиз болалар ҳатто юқоридаги каби турткилашлар тўсқинлик қилса ҳам мактабга қатнайдилар.

Кенияда худди шундай бўлган.

ХАЙР, ЎҚИШ ПУЛИ

2003 йилнинг январидан янги сиёсат 1.3 млн болаларга ўқишга имконият яратди. Мамлакатда бошланғич таълимни олувчилар 5.9 млн. дан 7.2 млн. га кўтарилди. Худди шу каби кўрсаткичлар Малави, Бирлашган Танзания ва Уганда республикаларида кузатилди. Бироқ бошланғич таълимни ривожлантириш Африка мамлакатлари иқтисодийоти учун осон кечмади. Чунки эндиликда мактаблар учун янги парталар, ўқув қуроллари ва бошқа анжомлар зарур эди. Бундан ташқари синфларда эндиликда 35 ўқувчи ўрнига 70 бола таълим ола бошлади.

Ушбу муаммоларни ечишга Кения таълим вазирлиги ва ЮНЕСЕФ халқаро ташкилоти киришиб кетди. Мактабларнинг моддий техник базасини яхши-

лаш, болаларга иложи борица кўпроқ шароит яратиш, уларни мактабларга янада кенгроқ жалб этиб, болалар мактабни охиригача ўқиб битириши учун шароит яратиб бериш керак эди.

Ўқиш китоблари Жаҳон банки томонидан ҳаётиятилиб, тўққиз худуднинг 70 та маҳалла мактабларига тарқатилди. Агарда бошқа халқаро ташкилотлар ҳам бош қўшадиган ва яна ўртача 4.5 млн. АҚШ доллари миқдоридан беғараз грантлар ажратадиган бўлсалар, мамлакатнинг 26 худудидан

Бироқ кетган болалар сўнг мактабга қайтмас эдилар. Эндиликда бизларда ҳамма ўқув қуроллари етарли."

15 ёшли Селестина Аданго тўртинчи синфда ўқийди. Аммо у ушбу ёшида ўрта мактабда ўқиётган бўлиши керак эди. Ҳаддан ташқари кашшоқлик унга ўз вақтида мактабда ўқишга имконият бермаган. Эндиликда бошланғич таълим бепул бўлганидан сўнг Селестина катта шижоат билан ўқишни давом эттирмоқда. Аввалги кунларни эслаб у "мен бир нарсадан қаттиқ қўрқар эдим, бу ҳам бўлса устозим мени уйга қалам ёки дафтар олиб келишга юборишидан. Чунки барибир бизнинг уйимизда бу нарсалар йўқ эди. Мен эса уялганимдан мактабга қайтиб бормас эдим", дейди бахтиёр ўқувчи. Бизга керак бўлган ҳамма ўқув қуроллари эндиликда мактабнинг ўзидан берилди.

Кенияда жорий қилинган бошланғич бепул таълим болаларда келажакка бўлган ишонччи мустаҳкамлаб, дунёвий илмлар дарвозасини очиб юборди.

Африканинг тўрт давлатида пулли таълим даврида ўқиган ва таълим бепул бўлгандан сўнг мактабларга қатнашни бошлаган ўқувчилар сони қуйида келтирилган:

Давлат	Таълим олувчилар сони (пуллик давр)	Таълим олувчилар сони (бепул давр)
Кения	5.9 млн.	7.2 млн.
Малави	1.9 млн.	3 млн.
Танзания	1.4 млн.	3 млн.
Уганда	2.5 млн.	6.5 млн.

БМТнинг "Дунё болаларининг аҳволи, 2004" ҳисоботи асосида тайёрланди.

ВОЯГА ЕТМАГАН БОЛАЛАР

улар неча ёшдан меҳнат қилиш ҳуқуқига эга?

диган ёш болакайлар сони ортиб кетди. Дунёда бундай тақдирлар кўп. Бундай ҳолатлар билан курашаётган халқаро ташкилотлар кундан-кунга бу борадаги саъй-ҳаракатларини жадаллаштиришмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошидаги халқаро Меҳнат ташкилоти (ХМТ) вояга етмаган болалар меҳнати ҳуқуқлари ҳақидаги баённомада 15 ёшдан кичкина ҳар қандай боланинг ўқишдан қолиш эвазига қилаётган меҳнати унинг ҳақ-ҳуқуқларига зидлиги таъкидланган. Бироқ, масалан, агарда бола мактабдан сўнг оилавий бизнес ёки энгил-елпи ишлар билан банд бўлса, бу унинг ҳаққи ва танлови. Агарда қилинаётган меҳнат мактабдаги ўқишга мунтазам халал берса ёки унинг мактабда ўқишига батамом тўсқинлик қилса, бу қонун нормаларига тўғри келмайди. Шу билан бирга у оғир жисмоний ёки руҳий меҳнатдан ҳам озод қилиниши шартдир.

Ер кurrasининг барча мамлакатларида болаларга бериладиган ҳақ-ҳуқуқларнинг чегараси белгилаб берилган. Масалан, уларнинг мактабда ўқишларини яқунлаш, оила қуриш, уйланиш ёки турмушга чиқиш, сайловларда овоз бериш, ҳарбий бурчини адо этиш ва меҳнат қилиш ҳуқуқлари қонун томонидан муҳофаза қилинган. Аммо дунёнинг баъзи бир мамлакатларида болаларнинг меҳнати ҳақида-

ги қонунлари уларнинг анча барвақт меҳнат фаолиятларини бошлашга имкон беради. Мисрда расмий меҳнат қилиш ҳуқуқи 12 ёшдан бошлаб берилди. Филиппин давлатида 14, Гонконгда 15, Перуда турлича. Кишлоқ хўжалик ишларида банд бўлиш учун бериладиган ёш — 14. Завод ва фабрикаларда 15, очик денгизда балиқчилик 16, портларда ва пристанларда 18 ёш деб белгиланган.

Кўпгина давлатларда оғир ва энгил меҳнат орасида катта тафовут мавжуд. Оғир меҳнат учун ўртача 16 дан 18 ёшгача белгиланса, энгил меҳнат учун 12 ёш ҳисобланади. Халқаро Меҳнат ташкилоти ҳам худди шу тамойиллардан келиб чиқади. ХМТ кодексидан энгил меҳнат учун 12 ёки 13 ёш тавсия этилади. Оғир меҳнатни эса 18 ёшдан бошлаб амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

БМТ қошидаги ХМТ маълумотларига кўра, Ер кurrasида 250 млн 5 дан 14 ёшгача бўлган болалар тўлиқ ёки тўлиқсиз оғир меҳнат кунини кечиришади. Уларнинг деярли ярми тўлиқ оғир меҳнат кунини билан йил давомида сурункали ишлашади. Ўртача 61 фоиз бундай болалар Осиеда кун кечиришади. 32 фоизи Америка, 7 фоизи Лотин Америкасида. 70 фоиз болалар оғир ишлаб чиқариш ишларида банд. Яна 70 фоизи соғлиғига ўта зарар бўлган ишлаб чиқаришларда меҳнат қилишади. 250 млн боладан ўртача 50—60 миллиони 5 ёшдан 11 ёшгача бўлганлардир. Шу билан бирга вояга етмаган ва тўлиқ меҳнат қилиш ёшига етмаган болалар меҳнати нафақат ривожланаётган мамлакатларда, балки ривожланган мамлакатларда ҳам кузатилади. Жумладан, АҚШда 230 минг нафар бола оғир меҳнат билан банд. Демакки, дунёдаги инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ташкилотларининг иши ҳали талайгина.

БМТнинг минг йиллик ҳисоботи асосида Сарвар Сайёр ўғли тайёрлади.

SAVDOGARNING SHOIR O'G'LI


Ulug' shoir, nosir va dramaturg Ivan Vazov 1850 yilda Bulg'oristonning Bolqon tog'i etagidagi Sopote shahrida boy tijoratchi oilasida tug'ilib, 1921 yilda Sofiyada vafot etgan. Otasi katta savdogar edi. Onasi kitob o'qishni sevadigan uy bekasi, o'g'lini ham kitobxon qilib o'stirdi. Oldin mahalliy maktabda, so'ng o'sha paytdagi katta madaniy markaz hisoblangan Plovdiv shahrining gimnaziyasida o'qidi.

Birinchi she'rini 16 yoshida yozgan edi. Matbuotda ilk bora «Qarag'ay» degan she'ri e'lon qilinganda 22 yoshda edi. Bu she'r darhol keng o'quvchilar ommasining diqqatini qozondi. Otasi «bunday mayda-chuyda ishlarni qo'y» deb uni savdo sohasiga boshladi, onasi esa, tinmay yozaver, deb maslahat berdi. U otasi bilan Ruminiya va boshqa mamlakatlarda unchamuncha savdo bilan shug'ullanib yursa ham, asosiy vaqtini adabiyotga, ijodga bag'ishlar edi. Bora-bora butunlay adabiy faoliyatga berildi.

Tarixdan ma'lumki, bu paytda Bulg'oriston Usmonli imperiyasining bir qismi edi. 1877-78 yillarda Rossiya-Turkiya urushi yuz berib, Turkiya yengildi, natijada 1879 yilda Turkiyaga tobe Bolgariya knyazligi tashkil topdi. 1908 yilda esa butunlay mustaqil davlatga aylandi.

Albatta, hamma mustamlakalar kabi, Bolgariya

B O L Q A N



D U N Y O S I

ham mustaqillik uchun kurashgan, undan umidi katta edi. Ammo milliy davlat tepasiga kelgan liberallar boylarning manfaatini himoya qildi. Xalqning hayoti og'irlashdi.

Ivan Vazov ham avvaliga milliy ozodlik uchun kurashchilar qatorida edi, ammo xalq turmushining ayanchli ahvolini ko'rib, o'zi boylardan bo'lishiga qaramay, xuddi rus

yozuvchilari Pushkin, Lermontov, Gogol, Tolstoy kabi bulg'or xalqining, ayniqsa, ezilgan dehqonlarning haqlarini himoya qiluvchi asarlar yozdi. O'zining xalqchil she'r va dostonlari, roman, qissa va hikoyalari, sahna asarlari bilan chin ma'noda xalq yozuvchisiga aylandi.

Ivan Vazovning ijodiy merosi juda boy. «Bayroq va gusla», «Bolgariya iztiroblari», «Qutulish», «Unutilganlar dostoni», «Dalalar va o'rmonlar», «Sargardonlar qo'shig'i», «Osmonimiz ostida», «Uchta so'z — uch dara» kabi o'nlab she'riy to'plamlari, «Mahobat», «Tepalik ortida» kabi dostonlari, «Yangi yer», «Kazalar yurtining shohinasi», «Zulm» kabi romanlari, «Xo'rlanganlar», «Mitrofan va Dormidolskiy», «Dali o'rmon sayohati» singari qissalari va yuzlarcha hikoyalari bosilib chiqqan. Rus tilida uning olti jildli asarlar to'plami nashr etilgan.

Ivan Vazov nomini har bir bulg'or kishisi yuksak milliy iftixor bilan tilga oladi. Bu nom bolalikdan boshlab har bir bola uchun aziz va mo'tabardir. Bolgariyada Ivan Vazov romanlarini, qissa va hikoyalari o'qimagan, she'rlarining go'zalligi va nafis ohangdorligidan rohatlanmaydigan biron maktab o'quvchisini topib bo'lmaydi.

Miraziz A'ZAM

Ivan VAZOV QO'SHCHI QARSHISIDA

Biz o'ynab yuramiz dala-dashtlarda,
Qo'shchi qo'sh haydaydi, shudgorga borib.
San'atdan, she'rlardan gap-gashtlarda
Chiroyli so'zlaymiz, yonboshlab olib.

So'zlaymiz chimirib qoshlarimizni,
Azobsiz, zahmatsiz o'tkazamiz kun.
To'xtanglar... egaylik boshlarimizni
Kelayotgan shu qo'shchi hurmati uchun.



QOR UYUMI

Derazada turibman qarab
Ko'hna tepalikka uzundan-uzoq.
Qor uyumi turar yaltirab
Tepalikning uchida oppoq.

Kun iltar, yellar kuylashga kirgan.
Qor uyumi ko'zimga endi
Ta'qdir kitobining ochiq qoldirgan
Oq varag'i bo'lib ko'rindi.

UCHTA SO'Z — UCH DARA

O yurak, o dengiz, o falak —
Uchta so'z, uchta sir, uch ro'yo.
O falak, o dengiz, o yurak —
Uch dara, cheki yo'q uch dunyo.

EH, QANDAY YAXSHISAN, JONAJON VATAN!

Eh, qanday yaxshisan, jonajon Vatan!
Nafis osmonlarning muncha moviyrang!
Muncha ko'p turlanar jonli manzarang!
Har gal titrab ketar zavqdan jonu tan:
Bir yon sho'x vodiylar, bir yon alp tog'lar,
Seryulduz osmonlar sergul o'tloqlar...
Eh, qanday yaxshisan, jonajon Vatan!

Bormi el dunyoda sendan ham boyroq?
Senda jam jamiki ne'mat, sarvatlar:
Shu yerdadir shoyi, bug'doy, sharbatlar,
Bog'laring muattar, tonglaring oppoq.
Gullaring xushbo'y-u o'rmoning sarin!

Yosh qoplar shodlikdan inson ko'zlarin...
Bormi el dunyoda sendan ham boyroq?

Sen oliy sevgiga loyiqsan, Vatan!
Xo'rsinmasmi seni bir kezgan sayyoh?
Nimang yo'q? Har narsa senda muhayyo!
Unuta olarmi seni bir ko'rgan?
Ollah jannat uchun tanlasa bir joy,
Tanlardi boshqamas, seni, hoynahoy!
Sen oliy sevgiga loyiqsan, Vatan!

Jannatsan! Qadringga yetdikmi ammo?
Biz, g'o'r farzandlaring, nomingni tilga
Olishdan or qildik, borsak chet elga,
Bilmaganday saxiy bu yurti go'yo...
Bizning tog'larimiz, vodiylarimiz
Meros, go'zallikda bebaho, tengsiz!
Jannatsan! Qadringga yetdikmi ammo?

Oh, Vatan! Yotday kun ko'ramiz senda,
Chiroyingdan bizni bosmas hayajon.
Seni ko'proq sevar tog'larda jayron,
Ulug'vor ko'rkingni qush kuylar kunda.
Biz sendan istaymiz boshpana, nonni,
Na gulni ko'ramiz, na-da osmonni...
Oh, Vatan, biz senda yotday o'lamiz!


ONA TILI

Dunyolar bor bulg'or tilida,
Yangroqligi baxsh etar sevinch.
Ey, ona til, shoir qo'lida
Sen chiltorsan, gohida qilich.

Sevdim seni, ey bulg'or tilim,
Novdadaysan, birda toshdaysan.
Osmos kabi o'tkir-u, halim,
Otash ruhli ham quyoshdaysan.

Qo'shiqlar va qarg'ishlar tili,
Toti esa sirli va sarxil.
Lol etadi inson zotini
Bu mardona, jasur va hur til.

Komilliging ko'rinsin mangu,
Yasha yayrab Bulg'or yerida,
Xotinlarning qo'shiqlariyu
Shoirning o'tli she'rida.



MENING QO'SHIQLARIM

Men ketaman vaqtim, soatim yetib,
Mening ham qabrimni o'tlar qoplagay.
Birov kuyar, birov qarg'ar yod etib,
Ammo qo'shiqlarim hamma yodlagay.

Dunyoda oz emas shon topgan otlar,
Vaqt o'tib ulardan gard ham qolmagay.
Mening qabrimni ham bosajak o'tlar,
Ammo qo'shiqlarim hamma yodlagay.

Ularda da'vat bor to'g'rilik, erkka,
Ular muruvvatga elni chorlagay.
Millatimni boshlar nur-yorug'likka —
Shunda qo'shiqlarim hamma yodlagay.



Bolqon tizmalarin hur nafasi bor,
Ular tog'lar kuyi bo'lib yangragay.
Shonli xalqimizning baland sasi bor —
Shunda qo'shiqlarim hamma yodlagay.

Jonimni to'kkanman kuyib, kuylarga
Butun gullariyu durlari bilan.
Ne deb yongan bo'lsam, yonar ularda,
Yangrar va hilpirar nurlari bilan.

Menga ta'sir qilmas maraz hurishlar,
Hasad, g'azab qalbga g'ulu solmagay.
Tunlar o'tiraman xotirjam ishlab—
Shundan qo'shiqlarim hamma yodlagay.

Xalq ruhi aks etgan har bir baytimda,
Ruh esa xalq kabi hech vaqt o'lmagay.
Xalqimning qayg'usi, quvonchi unda,
Shundan qo'shiqlarim hamma yodlagay.

MENING ONAM

Yulduzlar ko'p ko'kda rangorang —
Bor ekanman dunyoda hamon —

Sening o'lmas, toza qiyofang
Menga yo'ldosh doim, onajon.

Tebratarding meni saharda,
Beshigimga qo'yar eding yuz.
Uyqu kelmas og'ir tunlarda
Menga alla aytarding ma'yus.

Men bag'ringda voyaga yetdim,
Mehring qildi ruhimni bardam.
Qarashlaring, gaplaring yutdim—
Quvonch va kuch topdim ulardan.

Sendan mening ko'nglimga o'tdi
Yovga nafrat, do'stga muhabbat,
Sendan mening holimga o'tdi,
Go'zalliklar oldida hayrat.

Meni tug'ding, ko'ksingni berding —
Sendan oldim yaxshilikni men.
Meni inson qilib o'stirding —
Ikki karra onam bo'lding sen.

Miraziz A'ZAM tarjimalari

Халқимиз азал-азалдан ўз саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган турли хил ўйинларни кашф этган. Ана шундай ўйинлардан бири “Жампа” деб аталади. Бу ўйин баъзан “жаппа” деб ҳам юритилади. Ўйинда беш киши иштирок этади. Ерга кўринарли қилиб икс(“х”)симон чизик чизилади. Ва чизик атрофи доиравий ёки тўрт бурчак шакли чизик билан ўраб чиқилади. Иксни ташкил қилган чизикларни бирлаштириб турган нуқтага (ўртасига) ва тўртта шохлари учиға биттадан кичик уячалар қазиб чиқилади. Марказдаги катта уяча турли рангдаги 5 та думалок тошчалар билан тўлдирилади. Энди марказдаги тош тўлдирилган уячадаги тошлар ўйинда қатнашаётган бир киши томонида кўриқланиши керак. Ўйин шартига кўра қолган тўрт киши эса, имкон борича уяча тошларини ўзи томонидаги чуқурчага олиб солиши керак бўлади. Марказдаги тошларни четдаги чуқурчага олиб солишга интилаётган ўйинчилардан қайси бирига марказдаги тош тўлдирилган уячани кўриқлайдиган кишининг кўли тегиб кетса, шу томондаги ўйинчи қотган ҳисобланади. Яъни, ўйиндан чиқади. Қолганлари эса, ўйинни давом эттириб боради. Ўйин давомида, дейлик, марказ тошларини кўриқлайдиган кишининг кўли уч кишига теккан бўлса, демак, уч киши ўйиндан четлашади. Энди

ўйинни, яъни ҳужумни бир киши давом эттиради. Кўриқчи ҳам, ҳужумчи ҳам бир кишининг ўзи. Ҳужумчи доира чизигини босмасдан ўзи хоҳлаган томондан турли усуллар билан марказдаги тошларни олишга уриниши ва кўлга киритганларини хоҳлаган томондаги уячага солиши мумкин бўлади. Дейлик, ҳужумчилар кўриқчининг барча тошларини олиб кўйишса, у яна марказдаги уяни ярим энгашиб, ҳеч бир “икс” чизигини босмасдан кўриқлаши шарт бўлади. Токи ўйиндан чиқмаган ҳужумчи томонидан “жампа”га буйруқ берилгунча. Ўйин

тегиб кетган бўлиши керак. Ўйинда катта масъулият марказдаги тошларни кўриқловчига тушади. Сабаби, кўриқчи икки кўлига таянган ҳолда “икс” чизигининг бирор-бир жойини босмасдан, тинимсиз у ёқдан-бу ёққа сакраб туриши шарт бўлади. Акс ҳолда у барча тошларидан айрилади. Шу тариқа ўйин давом этиб боради. Агар кўриқчи барча тошларини ҳужумчиларга олдириб кўйса, ҳужумчилар уни масхаралайди. Қурбақасимон ҳаққалаш жараёнида ҳужумчилардан қайси бирининг кўли (тошларини олдириб кўйган) кўриқчининг бадани-

қандайдир ўзидан хунук хид чиқарадиган қурбақасимон жонзотнинг исми ёки тухум босувчи қандайдир парранданинг номи ҳам бўлиши мумкин. Даврлар ўтиб бундай жонзотлар биологик тур сифатида қирилиб битган бўлиши ҳам ёки унинг номи бугунги замонда бошқача аталаётган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

“Жаппа”да ҳамма масъулият кўриқчи гарданига тушади. Шу боисдан кўриқчиликни ҳамма ҳам хуш кўравермайди. Кўриқчи ўта чаққонлик, рақибларнинг ҳийларига тўла турли томондан қилинадиган ҳужумларини

Xalq o'yinlari

изган ҳисобланади ва кўриқчилик шунга насиб қилади.

Ўйин бошланишидан олдин, яъни кўриқчи аниқлангандан сўнг 4 кишининг ҳар бирини кўриқчи биттадан кўлларни кўлларга чалиштирган ҳолатда бир-бир кўтариб чиқиши шарт. Бу қоида ўйинга бекорга киритилмаган, албатта. Чунки кўриқчи ҳам, ҳужум қилувчилар ҳам узоқ вақт эгилиб ҳаракат қилишлари керак. Ўзларини ўйинга сошлаб олишлари заруратидан бу нарса келиб чиққан.

Кўриниб турибдики, бу ўйин жуда қизиқарли, айни дамда инсон аъзоларини ўта чиниқтирадиган, оёқ мускулларини, умуртқа, бел мускуллари фаолиятини янада мустаҳкамлайдиган машғулотлар сирасига киради. Инсонни кўриш, тез илғаш, тез фикр юритиш қобилиятларини янада оширади. Шундай фойдали хусусиятига кўра бу ўйин ҳам кенг оммалаштирилса, фойдадан холи бўлмайди.

Кейинги йилларда бу каби ўйинларни назаримда бироз унутиб кўймоқдамиз. Ўйлаймизки, бундай инсон саломатлигини мустаҳкамлайдиган халқ ўйинларини қайта ривожлантириш, тиклаш, ундан тўла бахраманд бўлиш вақти келди.

Самад ХУДОЙНАЗАРОВ,
ЎзМУ ўқитувчиси

«ЖАМПА» — МАҲАЛЛИЙ СПОРТ ЎЙИНИ

шартига кўра ҳужумчи ҳисобланган тўрт киши ҳам баробар ўйин ўйнашади. Улар марказдаги тошларни ўртадаги кўриқчидан эпчиллик билан илиб олиш учун ярим энгашган, гоҳ у-гоҳ бу оёқларига тез-тез таянган ҳолда ўз гавдасини ҳимоя қилади. Акс ҳолда у қотган, яъни ўйиндан чиққан ҳисобланади.

Юқорида айтганимиздек, ҳужумчини ўйиндан чиққан ҳисобланиши учун унинг бирор жойига кўриқчининг кўли

га биринчи бўлиб тегиб кетган бўлса, кўриқчи шу ҳужумчини белгиланган масофагача қувиб, тутиши шарт бўлади. Акс ҳолда ўйин шартига кўра, яна ўзи кўриқчи бўлиб қолиши мумкин.

Ўйин шу зайлда давом этади. Кимда-ким тўрт марта кўриқчилик қилган бўлса, ўйин шартига кўра у “мот” бўлган ёки “жаппа” бўлган ҳисобланади. “Жаппа” сўзининг изоҳи бизнинг ҳозирги изоҳли луғатларимизда учрамайди. Назаримда, бу сўз

бартараф қилишга ҳар доим қодир бўлиши керак. Айниқса, сакраб-сакраб айланаётганда ҳушёр бўлиши лозим, чунки оёғи остида тортилган чизикни босмаслиги ва ундан чиқиб кетмаслиги шарт. Акс ҳолда “жаппа” бўлиб қолади. Шу кўриқчи ким бўлиши кераклигини адолатли белгилаб олиш учун барча ўйинчилар бир чизикда саф тортиб югуришлари керак. Агарда шу югураётган беш нафар кишидан қайси бири ортда қолса, шу ютқ-

МАГНАТ “ДИНАМО”НИ СОТИБ ОЛДИ

Алексей Федорычев Москва футбол клуби “Динамо”нинг 51 фоиз акцияларига эга бўлди. Шуни айтиш мумкинки, Федорычевга қарашли “Федкоминвест” компанияси “Монако” клубининг бош ҳомийси ҳисобланади.

“Динамо” учун янги давр бошланди, деб хабар Интернет сайтлари. Шу мавзудаги матбуот анжуманида клуб раҳбарлари, “Динамо”нинг бош директори Юрий Заварзин қатнашди.

Сўнгги пайтларда Россиянинг энг таниқли клубларидан бири бўлган “Динамо” оғир молиявий инқирозга тушиб қолган эди. Сентябрь ойининг ўрталарида клубнинг марказий кенгаши 51 фоиз акцияни “Федкоминвест”га, яъни ўтган баҳор фаслида ҳомий бўлган компанияга сотишга қарор қилди.



Энди икки йил давомида “Динамо” инфраструктурага 150 млн. доллар атрофида маблағ қўшиши керак. Динамо стадиони, кичик ва катта арена-лар таъмирланиши, клуб учун янги офис қурилиши режалаштирилмоқда. Федорычев муҳим вазифа клуб бошқарув тизимини меъёрга келти-

риш ва унинг аниқ ишини белгилаб бериш эканлигини таъкидламоқда.

“Федкоминвест” президентининг фикрича, Россия ва Европа футбол клубларига қўйиладиган талабларга жавоб берадиган шароитда иш олиб бориш, футболчилар учун 15-20 млн. АҚШ доллари сарфлаш клуб бюджетига зарар келтирмайди.

Яна бир янгилик – “Динамо” бош мураббийлигига Россия терма жамоасининг собиқ мураббийи Олег Романцов таклиф қилинмоқда.


Кўпчилик мутахассислар Романцовнинг клубга келиши, “Динамо”нинг турнир жадвалининг охириги ўрнидан Россия футбол клублари лидерига айлантиради, деб ҳисоблашмоқда.

2006 йилда “ФОРМУЛА-1” МУСОБАҚАЛАРИДА РОССИЯ ЖАМОАСИ ҲАМ ИШТИРОК ЭТАДИ

2006 йилги мавсумда жаҳон биринчилиги учун бўладиган “Формула-1” беллашувларига янги жамоа қўшилади, деб хабар беради Formula-1.com сайти. Янги ралли бошқарувчиларининг номи – Midland F1. Унинг кўпгина аъзолари россиялик ҳамда МДХ давлатлари вакиллари.

“Ҳозир биз ярим йўлга ким чиқишини ва Италиянинг Даллагасида кимлар бир-бирига шерик бўлишини билмаймиз. Аммо жамоанинг штаб-квартираси ва жамоанинг тўпланиши Лондонда бўлади”, деди Midland Group президенти ҳамда ҳаммуассиси Алексей Шнайдер.

Алексей Шнайдер асли Санкт-Пе-



тербурглик, ҳозир эса канадалик миллионер, клубни ҳам собиқ ҳамюрти, ҳозир Канадада миллионерга айланган, Midland Group концерни акциядори Эдуард Шифрин билан бирга ташкил қилди.

“Биз яқин орада энг катта совринни олишга ишонмаймиз, аммо ҳаракат қиламиз”, деб жавоб берди Шнайдер. Энг асосийси трассалардаги иштирокимиз ва янги жамоанинг ташкил бўлганлиги, дея қўшимча киритди.

2156 йилдаги ОЛИМПИАДАДА АЁЛЛАР ЭРКАКЛАРНИ ОРТДА ҚОЛДИРАДИ

100 метрга югуриш мусобақаларида агар аёллар бугунги кундагидек катта ютуқларга эришаверса, вақтни қисқартириш борасида улар эркак рақибларини анча ортда қолдириб кетишади, деб хабар беради Оксфорд университети олимлари. 2064 йилда эса, улар ҳеч қандай иккиланишсиз айтиш мумкинки, эркаклардан тезроқ чопадиган бўлиб қолишади.

“Биз бу ҳол айнан шундай бўлади, деб айтмаймиз, аммо аёлларда катта имконият борлигини биламиз. Бу саволга жавоб топиш учун яна изланиш-

лар олиб бориш керак”, дейди мана шу борада изланишлар олиб бораётган гуруҳ раҳбари Энди Татем.

Олимлар югуриш бўйича бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларини 1900 йилдан бошланган натижаларини таҳлил қилиб чиқишди ва 2156 йилга бориб, аёллар 100 метрга югуриш учун 8,079 сония вақт сарфлашларини, бундай масофани эса эркаклар 8,098 сонияда босиб ўтишларини ҳисоблаб чиқдилар.

Аёллар биринчи бор 100 метрга 1928 йилдаги Амстердамда бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларида югурган эдилар. Ўшанда рекорд натижа 12,2 сония бўлиб, 1,4 сония эркаклардан кўп вақт сарфланганди.

1952 йилда эса бу фарқ қисқариб,



1,1 сонияни ташкил этди. 2000 йилда эса жудаям кам вақт қайд этилди. Бирок Афина ўйинларида олтин медал соҳибаси бўлган Юлия Нестеренко 100 метрни 10,93 сонияда босиб ўтиб, Жастин Гатлин ўрнатган рекорд — 9,85 сониядан 1,08 сония фарқ билан ортда қолди. 2008 йили Пекинда бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларида 100 метрлик масофани аёллар 0,84 сонияга қисқартиришлари тахмин қилинмоқда.

Интернет хабарлари асосида
Шарифа МАДРАХИМОВА
тайёрлади.

Яши ўқитувчи билимдон бўлади, у янгиликка қизиқади, дунёда бўлиб турган воқеа-ҳодисалардан доимо хабардорликка интилади. Ўқитувчилик ижодий ишдир. У ўз маҳоратини ошириб, замонавий ўқитишнинг янги педагогик ва психологик технологияларини ўзлаштириб олиши шарт. Профессор-ўқитувчилар ўз шахсий хусусиятлари, билимдонлиги, ақд-фаросати, мустақкам иродаси, сафоҳияти, истеъдоди, иқтидори, касбига фидойилиги, камтар, самимийлиги, сўзининг ҳаққонийлиги билан обрў қозонади.

Улар талабалар билан шундай муомалада бўлиши керакки, талабаларнинг ўзларига бўлган муҳаббатини, ҳурмати-ни сезсинлар. Чунки дағал, кўпол муомалали профессор-ўқитувчилар талабаларни ўзларига жалб эта олмайдилар. Бундайларни талабалар ҳам чин дилдан ҳурмат қилмайди, тез унутади. Профессор-ўқитувчи талабалар шахсини ҳурмат қилиш билан бирга, уларга нисбатан қатъий талабчан бўлиши ҳам керак. Бу ҳол ишнинг самарали бўлишига ёрдам беради. Шундагина талабалар ишонч, сабрматонат билан ўқийдиган, амалий машғулотларга пухта тайёрланадиган бўладилар.

Айрим ҳамкасбларимиз хатти-ҳаракатларида учрайдиган мансабпарастлик, шахсиятпарастлик, порахўрлик, қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик, гина-кудурат, ҳасад, бўҳтон, юмалоқ хат ёзиш каби ҳолатлар ёшларнинг руҳиятига салбий таъсир этади. Бир воқеа ҳақида эшитганим бор. Қизлардан бири олимпиада,


танловлар иштирокчиси, совринлар соҳибаси бўлган. Бироқ бир ўқитувчи «Тайёрланиб эртага кел, индинга кел» деб рейтингдан ўтказмасмиш. Чўнтаги куруқ, оиласи ночор бўлган талаба ноилоҳликдан онасининг никоҳ узугини ундан сўроқсиз олиб келиб, ўқитувчига совға қилади. Бундан юз-кўзи ял-ял ёнган ўқитувчи унга «аъло» баҳо қўйибди.

Орадан қанчадир вақт ўтиб, узук йўқолганлиги аниқланибди, қизнинг онаси келиб, ўқитувчига ўттиз минг сўм бериб, ёдгорлик бўлган тилла буюмини олиб кетибди. Шармандалик, қандай иснод!

Ўз буюмини шундоққина қайтиб олишга умид қилган она ўқитувчининг ўттиз минг сўм даъво қилганига асло чидолмас ҳам рози бўлган.

... Биз ўқитувчиларни барча инсоний хислатларни ўзида мужассам этган шахс, деб биламиз. Афсуски, орамизда фирибгар, товламачи, таъмагирлик бобида «байроқ» қилиб кўрсатишга арзийдиганлари ҳам бор. Бундайларнинг баҳридан кечмас эканмиз, таълим муассасаларида соғлом муҳит бўлишига эриша олмаймиз.

Болтажон СОДИҚОВ,
Термиз давлат университети
«Психология» кафедраси доценти



Afsus

Xullas...

ҚОЙИЛМАҚОМ ҚОБИЛИЯТ

Саратовлик мактаб ўқувчиси Серёжа Семиволос ўйналадиган қарта бўйича етук мугахассис чиқиб қолди. У бир тўп қартадан қайси бири қирол, қайси бири туз, қайси бири валет ёки дама эканлигини адашмасдан айтиб бера олади.

Экспертиза вақтида бунга шубҳа билдирувчилар қарталарни қайта-қайта аралаштириб, сўнгра Серёжадан исталган қартани топиб беришни сўрадилар. Ҳар бир қартага бир секунд ва бехато. 500 томошабин тўпланган залда қойилмақом қобилиятга олқишлар ёғилди.

Шифокорлар ҳали ер юзида бундай истеъдод эгаси йўқлигини эътироф этган ҳолда, бунинг сири нимада эканлиги хусусида бош қотиришмоқда.

ОҚҚУШЛАР ИШОНЧИ

Зайнск ГРЭСида ҳайратомуз воқеа содир бўлди: бу оққушлар ҳаёти билан боғлиқ.

Ўтган йилнинг кузида бу улкан сув ҳавзасига уч жуфт оққуш келтириб қўйилган эди. Мақсад, уларни қишлатиш ва кўпайтириш учун бу ернинг шароити тўғри келиш-келмаслигини текшириш эди. Туман овчилик ва балиқчилик ташкилоти аъзолари қушларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишди. Яратилган шарт-шароит қушларга маъқул келди шекилли, улар сув ҳавзасини тарк этишмади. Баҳорга келиб оққушлар тўдани кўпайтирди. «Новый Зай» газетасида хабар берилишича, бу — яхшилик аломати. Демак, ГРЭСда экологик ҳолат яхшилана бошлабди, демак, бу ерни минглаб оққушларга макон қилиб бериш мумкин.







ana shunaqa gaplar

ЕВРООСИЁ
венгерча кроссворд

Ушбу бошқотирмада Европа ва Осиёда жойлашган куйидаги давлат пойтахтлари яширинган:

- ЕВРОПА: 1. Португалия (8). 2. Испания (6). 3. Франция (5). 4. Буюк Британия (6). 5. Ирландия (6). 6. Бельгия (8). 7. Нидерландия (9). 8. Швейцария (4). 9. Германия (6). 10. Дания (10). 11. Албания (6). 12. Швеция (9). 13. Финландия (9). 14. Чехия (5). 15. Словакия (10). 16. Польша (7). 17. Австрия (4). 18. Венгрия (8). 19. Словения (7). 20. Хорватия (6). 21. Босния-Герцоговина (7). 22. Сербия (7). 23. Македония (6). 24. Греция (5). 25. Болгария (5). 26. Руминия (8). 27. Италия (3).
- ОСИЁ: 28. Япония (5). 29. Хитой (5). 30. Монголия (9). 31. Вьетнам (5). 32. Филиппин (6). 33. Жанубий Корея (4). 34. Лаос (8). 35. Камбоджа (8). 36. Таиланд (7). 37. Мьянма (5). 38. Малайзия (11). 39. Индонезия (7). 40. Бангладеш (5). 41. Непал (8). 42. Ҳиндистон (5). 43. Покистон (9). 44. Афғонистон (5). 45. Қозоғистон (6). 46. Қирғизистон (6). 47. Ўзбекистон (7). 48. Тожикистон (7). 49. Туркменистон (7). 50. Саудия Арабистони (6). 51. Бирлашган Араб Амирликлари (7). 52. Иордания (5). 53. Бутан (7). 54. Яман (4). 55. Туркия (6).

Тузувчи: Давронбек **ТОЖИАЛИЕВ**

	Л	И	С	Р	И	Д	Б	Р	Б	Е	Р	Т				
	Б	А	С	Д	Н	С	С	Ю	К	И	Л	И				
	О	Н	М	А	О	Е	Л	Ь	О	Н	А	Р				
	П	И	Ж	Н	Д	А	Б	Е	П	Е	Н	А				
	А	Р	Л	О	Д	М	С	Р	Н	Н	Г	А				
	Т	О	П	Е	У	Б	Т	Д	А	Н	Е	Г	А	В	Ш	А
	И	К	И	К	С	Л	Е	Р	М	П	Р	А	Г	А	Р	В
	О	У	Н	Х	Т	И	Н	Х	Б	Р	И	С	В	А	В	А
	А	Л	Н	А	О	О	Л	Е	Л	А	Т	Л	А	Б	Е	Н
	Н	Б	О	Й	К	Г	Ь	М	Ь	Н	К	Л	Б	У	Д	А
	М	А	Т	О	Р	С	Е	У	С	И	И	Я	Ю	Л	А	П
	А	Н	А	В	Ь	Е	Н	Л	З	А	А	Н	Б	Т	Ш	Е
	П	И	Л	Е	Н	Б	Т	Ь	Р	Г	Е	В	Е	Л	С	К
	Н	О	М	П	Ь	А	Н	Я	Е	Б	А	О	Р	Г	П	О
	Я	Н	А	Р	Д	А	Г	Н	С	А	Р	Д	А	А	Ь	Е
	О	Г	К	Т	К	К	О	К	К	У	Л	И	Ф	С	О	
	Н	Ж	А	А	А	А	К	Н	Д	О	Б	А	Н	А	И	Ф
	К	Л	У	Д	Е	Т	М	А	У	А	Т	С	Б	У	Я	Р
	У	А	М	Р	Х	Л	О	Б	А	Н	К	Е	А	Х	М	И
	А	Л	П	У	И	И	М	О	Б	И	Ш	К	Р	Е	С	Т
	С	Л	О	Д	Т	О	Ш	К	Е	Н	Т	А				
	А	Б	У	Д	Д	У	Ш	А	Н	С	А	Н				
	Р	А	Б	А	Н	А	Ш	Х	Б	Е	А	А				
	Р	Д	И	М	О	И	М	О	Б	О	Н	Р				
	И	Ё	О	М	Т	Х	П	Х	У	Д	К	А				

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазири, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири, Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Тахрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Хулқар ТҮЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ҳасан ҚОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида № 024 рақам билан 2003 йил 17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149. Г-1129.
Тиражи 19844. 1 2 3 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир:
Шарифа МАДРАҲИМОВА.
Навбатчи:
Шероод АҲМАТОВ.

«Ma'rifat»дан материалларни кўчириб босиш тахририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Тахририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

© белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабга ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбага йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими —136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоис сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида
Лилия БИНАШЕВА
ва Малухат ТОШОВА
сахифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акционерлик компанияси
босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон»
кўчаси 41-уй

Босишга тошпириш вақти — 21.00.